

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 39 (1638), 2026 йил 26 февраль, пайшанба



## ПОЙТАХТДА УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ЭКОЛОГИЯ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 25 февраль куни Тошкент шаҳрида урбанизация жараёнларини ривожлантириш ва яшил ҳудудларни кенгайтириш бўйича таклифлар тақдироти билан танишди.

Сўнгги йилларда пойтахт иқтисодиёти ва агломерацияси жадал ўсиб, Тошкент шаҳрининг доимий аҳолиси 3,1 миллион нафардан ошди. Шу билан бирга, 2045 йилга бориб, шаҳар аҳолиси икки баробардан зиёдга ортиши прогноз қилинмоқда. Бу эса урбанизация жараёнларини уй-жой, транспорт-логистика, муҳандислик тармоқлари ҳамда ижтимоий инфратузилмага тўшаётган юкларга мутаносиб ҳолда ривожлантиришни талаб этади.

Шунингдек, шаҳар муҳитини соғломлаштириш ва турмуш сифатини яхшилаш мақсадида яшил ҳудудларни кенгайтириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Хусусан, Тошкент шаҳри ва унинг атрофида яшил зоналар майдонини уч бараварга ошириб, 25 минг гектарга етказиш, аҳоли жон бошига яшил майдонлар ҳажмини 3 квадрат метрдан 6 квадрат метргача кўпайтириш мақсад қилинган.

Ўтган даврда ташаббускорлар томонидан қурилиш бўйича умумий майдони 2 минг 679 гектар бўлган 85 та лойиҳа таклифи келиб тушган. Тақдиротда ушбу лойиҳаларни комплекс кўриб чиқишнинг натижалари ҳақида ахборот берилди.

Ўрганиш давомида ҳар бир лойиҳани шаҳарсозликнинг ягона ёндашуви асосида баҳолаш, ҳудуднинг камида 30 фоизда яшил майдонлар ташкил этиши имконияти, реновация орқали эскирган ҳудудларни комплекс янгилаш ҳамда ер майдони 1 гектаргача бўлган кичик ва зич қурилишлар амалиётинан воз кечши масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Кўриб чиқиш якулидан келиб чиқиб, 18 та лойиҳани амалга оширишга рухсат бериш, 12 та лойиҳанинг ер майдони, қаватлар сони ва лойиҳа концепциясига ўзгартириш киритган ҳолда мақбуллаштириш таклиф этилган.

54 та лойиҳани эса концептуал жиҳатдан тўлиқ қайта кўриб чиқиш зарур деб топилган.

Янгиҳаёт туманидаги “Янги авлод” махсус sanoat зонасини кенгайтириш режалари муҳокама қилинди. Бунинг ҳисобига Тошкент шаҳри марказидан йирик sanoat корхоналарини боқичма-боқич кўчириш, юқори қўшилган қиймат яратадиган ва экология талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқаришларни жойлаштириш муҳим экани қайд этилди.

Маъқулланган лойиҳаларни амалга ошириш натижасида ҳар йили қурилиш ҳисобидан қўшимча 1,5 миллиард доллар ялпи ҳудудий маҳсулот, бюджетга 3,5 триллион сўм тушумлар шаклланиши ва 260 минг иш ўрни яратилиши кутилмоқда.

Тақдиротда яшил ҳудудларни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Лойиҳаларнинг камида 30 фоизда, яъни 400 гектарда яшил майдонлар ташкил этиши шартлиги кўрсатиб ўтилди. Бундан ташқари, Тошкент шаҳрининг 9 та ҳудудига умумий майдони 134 гектар бўлган алоҳида янги жамоат парклари барпо этиш режалари кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Лойиҳалардан ундирилган инфратузилма тўловларидан тушган маблағлар, биринчи навбатда, янги яшил ҳудудлар барпо этишга, ортган қисми эса шаҳар инфратузилмаси объектларини қуришга сарфланиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз пойтахтдаги урбанизация жараёнларини жамоатчилик манфатлари, соғлом муҳит ва экология талаблари билан боғланган ҳолда ривожлантириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

ЎЗА



Ҳеч қачон унутманг, фарзандлари билимли, соғлом, мард ва жасур, доимо олдинга интилиб яшайдиган халқ ва давлатнинг келажаги албатта ёруғ бўлади. Мен бутун Ўзбекистон ёшлари ана шундай фазилатлар эгаси бўлишини тилайман.

Ишончим комил, биз бутун халқимиз билан, сиз, азиз фарзандларим билан улуг мақсадларимизга албатта етамиз! Янги Ўзбекистонни барчамиз биргаликда албатта барпо этамиз!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## Ёшларга оид давлат сиёсати



## ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти таркибидagi корхоналарда юк вагонларини қуриш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва келгуси йиллар учун режалар тақдироти билан танишди.

Мамлакатимизда транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва иқтисодиёт тармоқларини узлуксиз логистика хизматлари билан таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Темир йўл транспортида кенг қўланил янгиланиш жараёнлари амалга оширилмоқда. Улар соҳани тубдан модернизация қилиш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ҳамда вагон паркни боқичма-боқич янгилашга хизмат қилмоқда.

Хусусан, 2023-2025 йилларда қиймати 105 миллион доллар бўлган лойиҳа доирасида 1590 дона ярим очик юк вагонини ишлаб чиқарилди. Бу эса ички ва халқаро ташувларда юк айланмасини ошириш, логистика занжирларининг барқарорлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Шунингдек, 2025-2026 йилларга мўлжалланган 150 миллион долларлик янги босқичда юк ва йўловчи вагонларини ишлаб чиқариш, шу билан бирга, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибидagi вагон ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ишлари олиб

борилмоқда. Лойиҳа доирасида 954 дона юк ва 70 дона йўловчи вагонларини ишлаб чиқариш бошланган.

Бугунги кунга қадар ушбу лойиҳа доирасида 45 дона йўловчи вагони ва 340 дона цистерна ишлаб чиқарилди. Жорий йил якунига қадар қўшимча равишда 614 дона юк ва 25 дона йўловчи вагонлари ишлаб чиқарилади.

Келгуси йилларда юк вагонларини ишлаб чиқариш ҳажмларини кескин ошириш учун яқинда Президентимиз алоҳида қарорни имзолаган эди. Ҳужжатга мувофиқ, қўшимча 100 миллион доллар маблағ ажратилиб, 1350 дона юк вагони етказиб берилди. Бунинг учун шу йилнинг ўзида sanoat корхоналари қувватларини 1,5 баробарга ошириш ва 2 мингта юк вагонларини ишлаб чиқариш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари вагон паркни янгилаш, ташиш ҳажмларини ошириш ҳамда харажатларни мақбуллаштириш юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

ЎЗА

## ТАШАББУСКОР ВА ФАОЛ ЁШЛАР МАМЛАКАТИМИЗНИНГ КАТТА ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОЙ ВА СИЁСИЙ КУЧИДИР

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш бўйича дунёда ўхшаши кам бўлган вертикал бошқарув тизими яратилди. “Янги Ўзбекистон” ғоясини ўзида мужассам этган бу тизимда ёшлар билан боғлиқ бирор масала эътибордан четда қолаётгани йўқ. Мамлакатимиз раҳбарининг ўзи, қолаверса, вазиру ҳокимдан тортиб, маҳалла раисигача — ҳамманинг иши ёшлар билан боғланди.

Президентимизнинг ёшлар билан навбатдаги мулоқотида навқирон авлод вакилларининг турли соҳаларда эришган ютуқлари таҳлил қилинди. Уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча имкониятлар белгиланди. Самимий ва илқ лаҳзаларга бой бу учрашув ёшларнинг орзуларига қанот бағишлаб, янги марралар сари ундагани шубҳасиз.

Давоми 2-, 3-бетларда

## МУЛОҚОТДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР...


### Ректорнинг яна 20 яшар пайтига қайтиш орзуси ҳақида

Президентимизнинг бу галги ёшлар билан очик мулоқоти олдингиларидан бошқачароқ бўлди. 2018 йили ректор этиб тайинланганидан буён шу форматдаги барча учрашувда қатнашганман. Дастлабки мулоқотларда ёшлар тортиноч, уятчан эди. Ўзини эркин тутмас, ҳайқиши ва ҳаяжони кучли экани сезилиб турарди. Бир йил ўтиб, йигит-қизларимизнинг кўнгил қулфи очила бошлади. Бироқ шундаям ҳиссиёт ва ийманиш кучли эди. Яна бир йил ўтгач, ёшлар муаммо ва дардларини ўроқлаша бошлади. Сўнг таклиф ва мулоҳазаларини баралла айтадиган, дахлдорлик ҳиссини намоён этадиган бўлди.

Давоми 3-бетда

## АҚЛ БИЛАН ИШЛАШ ДАВРИ ЁХУД ҒАФЛАТДАН ҚУТУЛИШНИНГ БЕШ ЙЎЛИ

Инсоният тарихи ҳар доим уни ривожланишга чорлайдиган, фаровон ҳаётни таъминлашга кўмак берадиган, пировард натижада тараққиётнинг янги босқичларига элтадиган ғоялар, мафқуралари билан барчамизни ром этиб келган. Айни пайтда тараққиётнинг муайян босқичида барчани оҳанрабои билан лол қолдирган аввалги “янгиликлар” кейинги авлодларни ўз домига тортиб, уни машаққатли, хавфли вазиятларга солиш ҳолатлари ҳам тобора кўпаймоқда.



Ўқотар қуроллар кашф қилдик. Глобал миқёсда илмий техника инқилоби юз берди, бошимиздан тўртта sanoat инқилобини ўтказяптиз. Бироқ бутун ана шу инқилобларнинг оқибатида жаҳоний экологик фалокатлар қаршида турибмиз. Дунё хавфсизлигини таъминлаш, ҳаёт даражаларини тезлатиш учун атом “дунёси”ни кашф этдик. Энди эса ана шу қурол инсониятга таҳдид солмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, инсоният ўз тарихи давомида, айниқса, ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб тараққиётнинг мисли кўрилмаган даражасига етишди. Эндиликда асрлар давомида эришилган ютуқлар, кашфиётларни қисқа вақтда, бир неча

йиллар давомида қўлга киритиш имконияти ву-жудга келмоқда.

Турмуш тарзимиз, ҳаётини тамойилларимиз, одамлар, давлатлар ўртасидаги муносабатлар шиддат билан ўзгармоқда. Бироқ айни пайтда кадрятлар трансформацияси юз бериб, инсон авваллари амал қилиб келган, улардан баҳра олган, қанчадан қанча авлодларни етуқлик сари етаклаган тарбия тизимлари емирилишга учрамоқда. Одамлар ўртасидаги соф инсоний муносабатларда орта кетши кузатилмоқда. Ҳашаматлар иерархияси ўзгариб, руҳий ҳиссизлик кучайиб бораётгандек туюлади.

Энг ёмони, давлатлар, минтақалар ўртасидаги зиддиятлар вазиятни кескинлаштирмоқда. Бундан 112 йил аввал Биринчи жаҳон уруши бошланишиданг энг устувор ғоя бўлган дунёни қайта бўлиб олишдан иборат эди. Бугун ҳам ана шу ғоя янгича шакл ва мазмунда яна бор бўй-бастини кўрсатмоқда.

Давоми 5-бетда

## ГЕОСТРАТЕГИК ЁНДАШУВНИНГ САМАРАДОР МОДУЛИ

Мамлакатлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, алоқаларни ҳамкорлик даражасига олиб чиқиш катта сиёсий ирода, аниқ стратегик қадамларни талаб этади. Бугун янги Ўзбекистон ана шу йўлдан дадил бормоқда. Юртимиз дунё мамлакатларига очилибгина қолмай, ишончли дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини фаол ривожлантиряпти. Кейинги йиллардаги АҚШ билан муносабатларимиз ҳам тарихий босқичга кириб боргани, ўзаро алоқалардаги ишонч ва самимийлик ҳамкорликнинг янгидан янги йўналишларини очиб бераётганига гувоҳ бўляпмиз.



Жорий йилнинг 17-19 февраль кунлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШ Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан ушбу мамлакатта амалий ташриф билан борди. Ташрифни ташқи сиёсат тақвимидаги навбатдаги дипломатик сафар сифатида баҳолаш масала моҳиятини тўлиқ очиб бермайди.

Ўзбекистон Президенти Тинчлик кенгашининг дастлабки йиғилишида иштирок этиб, нутқ сўзлаши минтақавий сиёсатдаги ўзгаришларнинг рамзий ва мазмунли

тус олаётганини кўрсатади. Жадал халқаро трансформациялашув Марказий Осиёда яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик тамойиллари асосида шаклланаётган янги сиёсий муҳитнинг жаҳон миқёсда қабул қилинаётганини аниқлатади. Минтақанинг геосиёсати ҳамда геоиқтисодиётининг аҳамияти ортиб бораётгани айнан шу жараёнларда яққол кўринади.

Давоми 4-бетда

**Жамғармага ҳар йили бюджетдан 20 миллиард сўмдан маблағ берилади. Бунга қўшимча вилоят ҳокимлари ҳам маҳаллий бюджетдан 3 миллиард сўмдан ажратади.**

# ТАШАББУСКОР ВА ФАОЛ ЁШЛАР МАМЛАКАТИМИЗНИНГ

Бошланиши 1-бетда

## ВОЛОНТЁРЛИК ҲАРАКАТИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА



**Ширин ОБИДОВА,**  
Ўзбекистон волонтерлари ассоциацияси раҳбари

Ўзгаларга ёрдам қўлини чўзиш, энг мушкул вазиятларда кўмаклашиш халқимизга хос хусусият. Ана шу гўзал фазилат бугунги замонавий дунёда волонтерлик ҳаракатида янги маъно касб этиб келмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда бу фаолиятнинг ҳуқуқий асоси ишлаб чиқилгани, волонтерлар мактаби, олийгоҳларда марказлар ташкил қилингани ҳисобига бизда ҳам волонтер ёшлар сони кўпайди. Экология, тиббий хизмат, таълим, фавқулодда вазиятларда кўмаклашиш йўналишида фаолият юритаётган волонтерлар сони 100 мингдан ошди.

Давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан учрашуви ниҳоятда ҳаяжонли кечди. Мамлакатимиз волонтерлар ҳамжамияти волонтерлик ҳаракатининг янги bosқичига оид муҳим янгилıklar ва стратегик қарорларни катта умид ва ишонч билан кутаётган эди. Умидимиз бесамар кетмади. Ингилишда волонтерлик ҳаракатига алоҳида урғу берилди. Ҳаракатнинг тизимли ривожланишини қўллаб-қувватловчи чора-тадбирлар қабул қилинди.

Ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида вазирлик ва идоралар раҳбарлари, фаол кўнгилли ёшлардан иборат Волонтерлик ҳаракатини ривожлантириш бўйича василлик кенгашини ташкил қилиш тақлиф этилди.

Ёшлар ишлари агентлигида “Волонтерликни қўллаб-қувватлаш” жамғармаси тузилиши белгиланди. Ушбу жамғармага ҳар йили бюджетдан 20 миллиард сўмдан маблағ берилади. Бунга қўшимча вилоят ҳокимлари ҳам маҳаллий бюджетдан 3 миллиард сўмдан ажратади.

Мазкур маблағлар ҳисобидан ёшларнинг волонтерлик лойиҳаларига 100 миллион сўмгача грант йўналтирилади. Волонтер ёшларга “ижтимоий фаоллик картаси” очилиб, экология, ижтимоий ҳимоя, тиббиёт, таълим, жамоат ҳавфсизлиги каби йўналишлардаги иштирокига қараб, балл бериб борилади.

Айни дамда тақдим этиладиган рағбатлантириш тизимида пул айланмаси эмас, балки онлайн баллар тизими йўлга қўйилиши назарда тутилган. Барча жараён “ижтимоий фаоллик картаси”, қолаверса, volunteer.uz ягона платформаси орқали кузатиб борилади.

Инклюзив волонтерлик — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги охириги йилларда жадал қўллаб-қувватлаб келаётган йўналишлардан.

Ўтган йили биринчи мартаба “VOICE UP” халқаро тадбири доирасида биз бир жамоа сифатида айнан инклюзия, яъни ёши, келиб чиқиши, кўриниши, ногиронлиги бор-йўқлигидан қатъи назар, ёшларнинг эзгулик йўлида бирлашганини кўрдик. Бу йил эса бутун республика миқёсида мингдан ортиқ ташаббускор ёшни айнан мана шундай инклюзив майдонда, инклюзив волонтерлик атрофида бирлаштириш кўзда тутилган.

**Бугун волонтер бўлиш истагидаги ёшлар кўпчилиги қувонарли. Аслида, волонтерлик билан инсон нафақат жамиятга, балки ўзига ҳам ёрдам беради, яъни серкирра фуқаро, бахтли инсон сифатида ўзини шакллантиради.**

Юристик, шифокорлик, ўқитувчилик каби кўплаб касб эгалари сафимизда биз билан ёнма-ёнлиги халқимизнинг меҳридор, бағрикенг эканидан далolat беради. Улар яхшилик улашишга бел боғлаган волонтерлардир.

Бу йил волонтерлик лойиҳалари ва йил волонтерлари танловларини ўтказамиз. Бунда нафақат кўмакка шай, фидойи йигит-қизлар, балки дунё бўйлаб эзгулик йўлидаги қаҳрамонларни ҳам кашф этишга ҳаракат қиламиз.

Давлатимиз раҳбари билан учрашув ана шу ташаббусларимизга кен йўл очди. Самимий мулоқот чоғида барчамиз эътибор ва ғамхўрлик, қўллаб-қувватловни ҳис қилиб турдик. Ўзбекистонда волонтерлик ҳаракати янги bosқичга кўтарилмоқда.



## МАЪНАН ЕТУК ВА САЛОҲИЯТЛИ АВЛОДМИЗ

**Жаҳонгир НОСИРОВ,**  
“Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳиби



Юртимиз аҳолисининг салмоқли қисми ёшлардан иборат. Бу катта куч, шу билан бирга, улкан имконият ва салоҳият ҳам. Яъни ёшларга қанча кўп эътибор қаратилса, мамлакат шунча қудратли бўлиб бораверади. Тенгдошларимиз эришаётган, қўлга киритаётган ютуқлар сони ошиб, кўлами кенгайиб бормоқда. Шу маънода, бугун ёшларга сифатли таълим-тарбия бериш, ҳорижий тилларни ўргатиш, касб эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин топишига кўмаклашиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Ўзбекистон Ёшлар тараққиёти глобал индексда энг юқори суръатда ривожланаётган давлатлар қаторида. Бу мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, таълим ва касбий имкониятларини кенгайтириш, ташаббус ва стартаплари учун кенг майдон яратиш борасидаги ислохотлар самарасидир. Барча даражадаги раҳбарлар ёшларни тил ва касб-ҳунарга ўргатиш, спортга жалб этиш, гош, лойиҳа ҳамда стартапларига кўмак бериш, уларни ишли ва даромадли қилиш бўйича янада фаол ишлаши, бирорта йигит-қизни

эътиборсиз қолдирмаслиги зарурлиги қайд этилди. Бу эътибор аҳолисининг аксарияти ёшлардан иборат мамлакат учун стратегик аҳамият касб этади. Зеро, уларнинг қобилиятини аниқлаб, тўғри йўл кўрсатиш орқали келажакда замон талабига мос, етуқ кадрлар шаклланишига замин яратилади. Бундай ёндашув ёшларнинг шахсий камолоти, оилалар фаровонлиги ва бутун мамлакат тараққиётига хизмат қилади.

**Илм-фанга киритаётган ҳар бир янгиллик мамлакат иқтисодий тараққиётига хизмат қилади. Жумладан, стартапларга эътибор қаерда катта бўлса, шу ерда тараққиёт янада юқори даражага кўтарилмоқда. Айни пайтда ёшларимиз ишлаб чиққан 63 стартап лойиҳа АҚШ, Жанубий Корея, Буюк Британия ва БАА бозорига кириб борди.**

Учрашувда ёшлар тадбиркорлиги, бандлик масалалари ҳам эътибордан четда қолмади. Бу бордада қатор имкониятлар яратилиши айтиб ўтилди. Касбий таълимни ривожлантириш, ёшларни меҳнат бозорига тайёрлаш, техникаларда таълим дастурларини иш берувчилар талаби асосида янгилаш, дуал таълим қамровини кенгайтириш, моддий-техник базани яхшилаш бўйича вазифалар белгиланди.

## ИМТИЁЗЛАР ИСТИҚБОЛИ ЛОЙИҲАЛАР ДЕМАК

Ўқув марказида илк бор иш бошлаганимда 11-синф ўқувчиси эдим. Инглиз тилини яхши билганим боис, ўқитувчиликка қабул қилиндим. Ўшанда асосан кичик ёшли болаларни ўқитардим. Кейинчалик университетда инглиз тили бўйича тахсил олдим.

Анча вақтдан буён ўқув маркази очишини ният қилгандим. Турмуш ўртоғимга айтганим, маъқуллади. Бирга иш бошладик. Дастлаб ижарага жой олиб, 5 ёшли болаларни мактабга тайёрлай бошладик. Лекин бу иш унча осон кечмади. Шундай бўлса-да, чекинмадик. Аввалига ўқув марказимизни рус, япон ва инглиз тилини ўқитишга ихтисослаштирдик. Рақобат кучли. Ота-оналарни қизиқтириб, жалб этишнинг ўзи бўлмайди. Шу боис, тажрибали, ўз устида астойдил ишлайдиган ёшларни ўқитувчиликка қабул қилдик. Қисқа муддатда натижа кўринди. Ўқувчилар сони ортиб бориши туфайли марказимизни кенгайтиришга эҳтиёж сезила бошлади. 2,5 миллиард сўм имтиёзли кредит олиб, янги марказ биносини барпо этдик. Ҳозир марказимизда 400 ўқувчи тахсил олмақда. 60 дан зиёд иш ўрни очилган. Япон, хитой, инглиз, рус, корейс тилларини ўргатаймиз.

Давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан учрашувида иштирок этдим. Учрашув жуда ажойиб ўтди. Катта куч олдик. Президентимиз ҳар бир гапиди доим ёшларни қўллаб-қувватлашини таъкидлади. Қатор имтиёзлар берди. Бу — ёш тадбиркорлар учун катта имконият. Шу пайтга қадар бир неча лойиҳаларим бор эди. Рости, бошлаганимдан бери турганим. Кечаги учрашувдан сўнг бугундан



**Асал ЗИЁДОВА,**  
Қарши шаҳридаги “Болалар академияси” нодавлат таълим мактаби раҳбари

ҳаракатни бошлаб юбордим. Филiaalларни очиндан ташқари барча қулайликка эга “Она ва бола” марказини очин ҳам режамизда бор. Президентимизнинг ишончини оқлаш учун астойдил ҳаракат қиламиз.

Бугунги глобаллашув шароитида ёшларнинг таълими, бандлиги ва иқтисодий фаоллиги мамлакат тараққиётининг энг муҳим омилларидан. Президентимизнинг ёшлар билан очик мулоқоти ушбу жараённинг навбатдаги bosқичини бошлаб берди. Илгари сурилган ташаббуслар ёшларнинг иқтисодий мустақиллигини ошириш, таълим имкониятларини кенгайтириш, стартап ва инновацион лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий фаоллигини рағбатлантириш каби стратегик йўналишларни қамраб олди.



**Отабек СОБИТОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси

Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган вазифалар миқёс жиҳатидан ҳам, мазмунан ҳам катта истиқболга эга. Ўзини ўзи банд қилган йигит-қизлар учун кредит миқдорининг сезиларли оширилиши, инновацион гоғларга 100 миң долларгача инвестиция киритиш имконияти яратилиши — буларнинг барчаси янги иқтисодий мустақил авлод шаклланишига хизмат қилади. Минглаб ёшлар илк бизнес гоғларини амалиётга тағбиқ этиш, фаолиятини кенгайтириш ёки стартапларини бозорда мустақамлаш имкониятига эга бўлади.

## ИННОВАЦИОН ТАФАККУРГА ЭГА ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ШАКЛЛАНЯПТИ

Мулоқотда илгари сурилган ташаббусларнинг муҳим қисми инновацион тафаккурга эга йигит-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Молиялаштириш кўламининг кенгайтирилгани капитал масаласи ҳал этилишига хизмат қилиш билан бирга ёшларни кенг фикрлаш, янги технологияларни синовдан ўтказиш, бозорга чиқиш стратегияларини пухта ўйлашга ундайди.

Техникумларда стартаплар яратишга рухсат берилгани ҳам таълим тизимидаги катта бурилишдир. Бу янгиллик ёшлар учун билим ва амалиётни бирлаштирадиган ноёб имкониятни тақдим этади. Техникум bosқичидаёқ 1 миллиард сўмгача молиявий кўмак олиш — ёш мутахассисларни мустақил ёндашув, янгиллик яратиш ва тажрибалар ўтказишга руҳлантиради.

Ёшлар учун халқаро тажриба ҳам жуда муҳим. Шу маънода, “Work and Travel” дастури орқали хорижда ишлаш имконияти яратилгани техникум ўқувчиларининг касбий кўникмаларини ошириб, дунёқарашини кенгайтиради. Бундай тажриба ёшларнинг глобал меҳнат бозори талабларини билан танишиши, тил ва маданий мулоқот кўникмаларининг мустақамлашишига хизмат қилади.

Ҳар бир ҳудудда Ёшлар бизнес инкубаторининг ташкил этилиши стартаплар учун

**“ЁШЛАР УЧУН ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ҲАМ ЖУДА МУҲИМ. ШУ МАЪНОДА, “WORK AND TRAVEL” ДАСТУРИ ОРҚАЛИ ХОРИЖДА ИШЛАШ ИМКОНИЯТИ ЯРАТИЛГАНИ ТЕХНИКУМ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КўНИКМАЛАРИНИ ОШИРИБ, ДУНЁҚАРАШНИ КЕНГАЙТИРАДИ.**

домий маслаҳат, менторлик, бизнес-режа тузиш ва бозорга чиқиш бўйича кўмак берувчи муҳим платформага айланади. Бу марказлар ёшлар орасида тадбиркорлик маданиятининг шаклланишида асосий ўрин тутуди.

Ёшлар билан мулоқотнинг яна бир муҳим жиҳати, ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янгича ёндашув асосида кенгайтиришдир. Мамлакатимизда инсон капиталига эътибор йилдан йилга кучайиб бораётгани бежиз эмас. Чунки тараққиётнинг пойдевори, аввало, ёшларнинг билими, маҳорати, маданияти ва жамиятдаги фаоллигига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз раҳбари илгари сурган янги ташаббуслар ҳар бир ёшнинг имкониятларини кенгайтиради.

Волонтерлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича тақлифлар бунинг яққол мисолдир. Ёшлар ишлари агентлиги ҳузурида “Волонтерликни қўллаб-қувватлаш” жамғармасининг ташкил этилиши бу йўналишнинг тизимли ривожланишини таъминлайди. Жамғармага ҳар йили 62 миллиард сўм ажратилиши волонтерликни бир марталик ташаббус эмас, балки ёшларни етуқлик, жамоатчилик фаоллиги, инсонпарварликка ундайдиган доимий ижтимоий мактабга айлантиради. Энг яхши волонтерлик лойиҳаларига 100 миллион сўмгача грантлар йўналтирилиши эса ёшларнинг жамиятга фойдали ва таъсирчан ташаббуслар билан чиқишига йўл очади.

Жазо муддатини ўтаб бўлган ёшларни “Иккинчи имкон” лойиҳаси орқали замонавий АТ касблари ва хорижий тиллар бўйича

бепул ўқитиш ташаббуси ижтимоий реинтеграция масаласида юртимизда мутлақо янги bosқични бошлаб беради. Бу йўналиш ёшларни жамиятга қайтариш, меҳнат бозорига мослаштириш ва янги ҳаёт бошлаши учун реал шароит яратишга қаратилган.

Умуман, таълим, касбий ривожланиш ва меҳнат бозорига кириб бориш бўйича илгари сурилган ушбу ташаббуслар ёшларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, уларни глобал меҳнат бозорига рақобатга тайёрлаш ва энг муҳими, ўз кучига ишончини мустақамлашга қаратилган. Бу ташаббуслар bosқичма-bosқич амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда билимли, замонавий, ташаббускор ва масъулиятли ёшлар авлоди шаклланиб боради.

Ёшлар билан мулоқотда илгари сурилган ташаббусларни навбатдаги режалар мажмуи эмас, балки ёшлар сиёсатида янги даврнинг бошланиши сифатида баҳолаш мумкин. Уларнинг ҳар бири бугунги йигит-қизнинг эҳтиёжи, орузи ва интилишларига мос келади. Бу янгилıklar орқали давлатимиз раҳбари ёшларнинг имкониятига юксак ишончини, улар билан бирга тараққиёт йўлини босиб ўтишга тайёрлигини ана бир бор амалда намоён этди.

Таълимдан тортиб тадбиркорликка, инновациялардан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига бўлган кенг қамровли ёндашув ёшларнинг ҳар томонлама ривожланишига хизмат қилади. Келажакда билимли, ташаббускор, бунёдкор ва энг муҳими, ўзига ишонадиган ёшлар авлодини шакллантиришга замин яратлади.



Давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан мулоқоти янги марралар сари навбатдаги дадил қадам бўлди, салмоқли ислохотларга йўл очиб берди.

# КАТТА ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОЙ ВА СИЁСИЙ КУЧИДИР

## МУЛОҚОТДАН KEЙИНГИ ЙЎЛАР...

### Ректорнинг яна 20 яшар пайтига қайтиш орзуси ҳақида

Шерзодхон ҚУДРАТХҲҲА, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, сиёсий фанлар доктори, профессор

**Бошланиши 1-бегда**

60 мингдан зиёд ёш авлод вакиллари қатнашган бу галги мулоқотда эса мен жадид боболаримизнинг дунёдаги энг олди ОТМлар — Гарвард, Йель, Принстон, Колумбия, Корнелл, Кембриж каби университетлари пиллаосини бемалол забт этётган, нигоҳи теран, зукко янги авлодини кўрдим. Бугун уларнинг сони 500 дан ошди. Жаҳоннинг энг етакчи олийгоҳлари 100 талиғидидаги университетларда тахсил олаётган зукко ёшларимиз эса 3500 дан зиёд экан. Мана шу қоракўзлар қаторида ЎЗЖОКнинг ўнлаб битирувчилари ҳам борлиги мени жуда гурўлантиради.



ортида доим қўллаб-қувватлаб, барча имкониятлар эшигини очиб бераётган Президентимиз турибди!

Имкониятлар ҳам бугун фазо каби кенгаймоқда. Давр илгари фақат ўқитиш билан шугулланган олий ўқув юртиларининг энди стартап ва лойиҳалар фабрикасига айланиши заруратини кун тартибига олиб чиқмоқда. Президентимиз тадбиркорлик лойиҳалари, “Келажакка қадам” дастури ижросига салмоқли маблағ ажратди. Чунки бу дастур олий таълим муассасаларининг битирувчи талабалари учун гоат фойдали лойиҳа. Унинг асосида 50 мингдан ортиқ ёшлар бизнес гоиларини ҳақиқий тадбиркорлик ишига айлантира олди. Бизнинг университетимиз талабалари ҳам 300-500 миллион, ҳатто 1 миллиард сўмгача имтиёзли кредит олиб, ишбилармонлик фаолиятини мустаҳкам йўлга қўйди.

Бундан ташқари, жорий йилдан “Келажак тадбиркори” дастури ҳам ишга туширилади ҳамда ёш тадбиркорларга 7 йил муддатга 15 фоизли кредит ажратилади. Узоқ муддатга паст фонизда каттагина маблағ берилиши ақин келажакда янги тадбиркорлар қатламини вужудга келтиради. Зеро, ҳар йили ўрта ҳисобда 600 минг ёш меҳнат бозорига кириб келмоқда. 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 1 миллионга етади. Шу боис, ёшларни ўзига мос ва ҳос иш билан таъминлаш ҳамда бунинг учун барча зарур шароитни яратиш энг муҳим масаладир.

Энди ҳар пайшанба барча ташкилотларда ёшлар кун бўлади. Айнан шу кун соҳага масъул раҳбарлар маҳалла, мактаб ва техникумларга бориб, ёшларни тинглайди ва муаммосини ҳал қилади. Бу жараён университетларда ҳам ўзига хос тарзда ташкил этилади.

Мулоқот давомида яна бир рақам мени жуда хурсанд қилди. Бугун хорижий тилни билиш даражаси бўйича сертификатли ёшлар сони 600 мингдан ошди. 600 минг-а! Чет тилларни мукаммал биладиган ўғил-қизлар санини кенгайтириш учун эса чакана имкониятлар яратилмади ахир: бепул онлайн дарслар дейсими ёки ўқув марказларида қўшимча дарсларми, халқаро IELTS имтиҳонида 7 балл ва ундан юқори натижани кўрсатган ёшларнинг тест учун тўлов миқдорлари қўллаб берилиши ҳам ёшларнинг қўшимча тилларни ўрганиши учун ҳақиқий ундов бўлди.

Яратилган бундай шароитлар туфайли сўнгги 3-4 йилда халқаро ва миллий тил сертификатига эга ёшлар сони кескин ошди. Бу, айниқса, олий таълим муассасасига имтиҳон топираётган йигит-қизлар мисолида яққол кўриниб турибди. Масалан, бу йил университетга ўқишга қабул қилинган 10 талабамизнинг 9 нафаридида хорижий тилни билиш даражаси бўйича сертификат бор.

Учрашув давомида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига “Менинг биринчи касбим” дастурини бошлаш вазифаси топширилди. Бунда амалиёт асосида олийгоҳ битирувчилари ўртасида танлов ўтказилиб, энди уларга ойига 2 миллион сўмгача стипендия тўланади. Шу аснода бу лойиҳага олий таълим муассасалари ҳам бевосита масъул бўлади.

Ректор сиёсати ва амалиёти Президентимиз сиёсати ижросидир. Президент сиёсати проактив бўлса, ректор фаолияти икки қарра проактив бўлиши керак! Ректор фаолияти ҳақида ёзганда, хотиралар беихтиёр ёшлукка қорлайди. Ўтган асрнинг 90-йилларида ОТМ талабаларининг Талабалар шаҳарчасида изгиб юргани ёдимга тушиб кетди. Бизда ҳозиргидек имконият йўқ эди. Бугунгидек УМИД ва ИШОНЧ ҳам йўқ эди. Ҳаёт чарчалаги бир айлиниб, яна 20-25 яшар чоғимга қайтиб қолсам қанийди...

Мулоқот сўнггида хоразмлик 10 яшар Отамурод ажд шеванда жонли кўшиқ ижро этиб, ҳаммагини завққа тўлдирди. Сўнг дадил қадамлар билан Президентимиз хузурига эркин бориб, суратга тушди. Кейин давлатимиз раҳбарига паст овозда нималардир деди. Президентимиз самимий кулиб, микрофонга қайтди, бизга унинг гапини айтди: “Отамурод: “Жаноб Президент, савлатингиз босиб ҳаяжонландим. Бўлмаса, бундан ҳам зўр айтиб берардим”, деди”. Барча қарсақ чалди.

Энди Отамурод уйига — Янгибозор туманига Президент совғаси билан қайтади. Оқ йўл сенга, болажон!

### БЎЛҒУСИ НОБЕЛЬ МУКОФОТИ СОҲИБЛАРИ УЛҒАЙМОҚДА

Чекка бир қишлоқда, бир умр гидротехника соҳасида меҳнат қилган бобом Собиржон Қоратоев бизга ҳамиша бир гапни уқтирарди: “Ўқинг, билим олинг, ўрганинг. Бу йўлда ҳеч қачон тўхтаманг. Дунёни кучли билим билан забт этинг. Илм — бахт қалити!”. Ота-онам ҳам зилли бўлгани боис, доим имо олишга ундаб келган.



Дилафрўз СОБИРОВА, Фаргона шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси, АҚШдаги Гарвард университети гранти соҳиб

Бу даъватлар мени Фаргона шаҳридаги Президент мактабига бошлаб борди, десам муболага бўлмайди. Ушбу мактабда иқтидорли, дунёқарши кенг педагоглардан билим олдим. Натижада бу йил АҚШнинг нуфузли Гарвард университетига 100 фоизлик, яъни 392 минг доллар қийматидаги грантни қўлга киритдим.

Ютуқларим замирида бобом ўғитлари, ота-онам, устозларим меҳнати билан бирга,

юзма-юз учрашиб, уларнинг муаммоларига ечим беради, янги ташаббусларни қўллаб-қувватлайди, ҳар жиҳатдан уларга тиргак бўлади. Бундай давлат раҳбарлари дунёда жуда кам. Президентимизнинг “Сизлар Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида янги тарих яратадиган олтин авлодсиз”, деган сўзлари менга ҳамиша куч-қувват бағишлайди, изланишга ундайди.

Кўксарой қароргоҳидаги мулоқот чоғида бунга яна бир бор юракдан ҳис этдим. Турли соҳаларда ёшларни қўллаб-қувватлаш учун миллионлаб доллар маблағ ажратилаётгани, ёш тадбиркорларга имтиёзлар берилётгани, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари, ёш оилалар ҳамиша эътибор марказида бўлиб келаётгани кишини тўлқинлантиради.

Келажакда биология ва ахборот технологиялари йўналишида илмий тадқиқотлар ўтказиш орқали юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш ҳамда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича кашфиётлар қилиш ниятидаман. Бу мақсадларим, албатта, амалга ошиши ва бугунги ёшлар орасидан Нобель мукофоти соҳиблари етишиб чиқишига ишонманам.

## БУНДАЙ ИМКОНИАТ ЯНА ҚАЙДА БОР?

Янги Ўзбекистондек жаннатмонанд мамлакатда биз, ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар туфайли жуда катта маррани эгаллаётимиз. Бу Президентимиз билан мулоқот чоғида яна бир қарра эътироф этилди. Жумладан, тенгдошларимиз фан олимпиадаларида 66 олтин, 147 кумуш, 221 бронза медални қўлга киритган бўлса, янгилуққа интилувчан йигит-қизлар ишлаб чиққан 63 стартап лойиҳаси АҚШ, Жанубий Корея, Буюк Британия ва БАА каби давлатлар бозорига кириб борди. “Нажот илмдадир” деганларидек, билимли ёшлар сафи кенгайиши, китобхонликка эътибор ошиши туфайли Ўзбекистон фарзандлари дунё миқёсида ўз ўрнига эга бўлаётганини ушбу рақамлардан ҳам аниқлаш мумкин.



Ўғилжера ХАЛДУРДИЕВА, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси

Бу ҳаётимдаги муҳим тарихий учрашув бўлди. Сабаби мамлакатимиздаги 22 миллиондан ортиқ йигит-қиз орасидан сараланиб, бир қоракўпқоқ қизи сифатида Президентимиз билан бевосита учрашувда иштирок этгани мен учун катта шараф. Мулоқотдан ўзимга катта куч, рағбат олдим. Албатта, бундан, аввало, ота-онам ва мен таълим олаётган университетдаги дўстларим жуда хурсанд бўлди. Ўзим “Ёш китобхон” талловининг 2025 йил мавсуми голиби, Президент совғаси — BYD электромобили соҳибман.

Мамлакатимизда ёшларга берилётган имконият ва имтиёзлар барча соҳада яққол кўзга ташланмоқда. Масалан, Гарвард, Стенфорд, Лондон иқтисодий мактаби каби нуфузли олийгоҳларнинг илгор тажриба асосида ёшларни тадбиркорликка ўқитишда ҳамкорлик қилишга тайёр экани ва Ёшлар ишлари агентлигига ушбу хорижий олийгоҳлар билан

бирга ёшларни бизнесга ўргатадиган “Янги авлод тадбиркорлари” дастурини бошлаш топширилгани катта воқеа деб ўйлайман. Шунингдек, дастури муваффақиятли тугатган 1000 нафар йигит-қизнинг лойиҳасини амалга ошириш учун уч йил муддатта 200 миллион сўмгача 7 фоизли ссуда бериладиган бўлди. Менимча, бундай имкониятлар бошқа давлатларда бўлмаса керак.

Мулоқот чоғида ёшларга чет тиллар ва замонавий касб-ҳунарларни ўргатиш, спортга кенг жалб этиш, инновацион го ва стартапчиларни қўллаб-қувватлаш, бандлик ва даромад масалаларини ҳал этиш бўйича белгиланган устувор вазифалар, ўз навбатида, ишончли давлат қуриш йўлидаги муҳим қадам деб билиман. Ушбу ишончнинг оқлаш учун барча ёшлар қатори бир билимим ва салоҳиятимни юртимиз равақига ҳисса қўшишга йўналираман.

## ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ҲАЁТИДА ЁРҚИН ЗАРВАРАҚ

Президентимизнинг куни кеча ёшлар билан мулоқоти янги Ўзбекистон ўғил-қизлари ҳаётида янги саҳифа очди. Бу учрашувда 60 минг ёш қамраб олинди. Шу маънода, у мамлакатимиз келажакка қаратилган юксак эътибор ва ишончининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Бинобарин, учрашувда давлатимиз раҳбари ёшлар масаласи ҳар доим долзарб ва эътибор марказида эканини таъкидлади.



Дилбар НОРМУРОВА, халқ депутатлари Термиз шаҳри кенгаши раиси

Мулоқотнинг очиқ ва самимий ўтгани, ёшларнинг таклиф ва ташаббуслари диққат билан тинлангани, айтилган муаммолар жойида ҳал этилгани янги Ўзбекистон ёшларининг ислохотларга дахлдорлиги ва хайрихоҳлигини оширди. Таълим сифати ва самардорлигини таъминлаш, иш билан бандлик, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, битирувчиларнинг замонавий касб-ҳунарлар эгаллашига қўмаклашиш, чет тиллар ва рақамли технологияларни ўзлаштиришини қўллаб-қувватлаш каби муҳим масалалар йиғилиш кун тартибиди турди.

Учрашувни катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатарканман, ёш бўлиб қолгим, қўзи ёниқ, шуури ва тафаккури уйғоқ мана шу йигит-қизлар сафидан жой олгим келди. Билман, орта йўл йўқ, аммо атрофимда мен ишонган, таянган ва тарбиялаётган фарзандларим, шоғирларим — ёшлар бисёр. Улар, албатта, давлатимиз яратиб бераётган имкониятлардан самарали фойдаланиб, илм-фан, касб-ҳунар марраларини забт этади. Дунёга ўзини ва мамлакатимизни танитади.

Ҳар бир даврнинг ўз овози, йўналиши ва албатта, катта масъулияти бор. Бугун фар-

Президентимиз бу борада тўхталиб, ўтказилган сўровномада ёшларнинг учдан бир қисми тадбиркор бўлиш истагини билдиргани, ўтган йили улар бандлигини таъминлаш учун 400 миллион доллар ажратилгани, хусусан, “Ёшлар бизнеси”, “Келажакка қадам” дастури билан қўллаб-қувватлаш қўмаклашиш, стартапчиларни қўллаб-қувватлаш қўла-қўла кенгайишини таъкидлади.

Педагог сифатида эътиборимни тортган яна бир муҳим жаҳат, “Китобхонлик маданиятини ривожлантириш” жамғармаси ташкил этилиши, у орқали энг истеъдодли ёзувчиларга ижодий буюртма берилиши ҳамда рағбатлантирилиши ҳақидаги ташаббус бўлди.

Бу маърифат, маданият юксалиши учун яна бир салмоқли қадамдир. Шунингдек, таржима борасидаги ишлар қўламини кенгайтирилиши, энг сара хорижий адабиётлар ўзбек тилига, миллий адабиётлар эса чет тилларга таржима қилиниши ва чоп этирилиши ҳақидаги фикрлар ижодкорлар ва ўқувчиларни жуда руҳлантиради. Мутлола маданияти, адабиёт янада юксалади.

Қисқаса, давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан мулоқоти янги марралар сари навбатдаги дадил қадам бўлди, салмоқли ислохотларга йўл очиб берди. Бу ишонч ва имкониятга муносиб жавоб бериш ёшлар қўлида. Улар бунга, албатта, удалайди.

“ ИМКОНИАТЛАР ҲАМ БУГУН ФАЗО КАБИ КЕНГАЙМОҚДА. ДАВР ИЛГАРИ ФАҚАТ ЎҚИТИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНГАН ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ ЭНДИ СТАРТАП ВА ЛОЙИҲАЛАР ФАБРИКАСИГА АЙЛАНИШИ ЗАРУРАТИНИ КУН ТАРТИБИГА ОЛИБ ЧИҚМОҚДА.

## БИР УМРГА ТАТИГУЛИК РАҒБАТ

Ўзбек диёри қадимдан ўз бағрида сон-саноксиз иқтидор ва истеъодларни тарбиялаган, воёга етказган. Улуғ мутафаккирлар, олимۇ фузалолар етишиб чиққан юрт, адабиёт, санъати, маданияти юксак даражага кўтарилишда давом этаётган замин сифатида шухрат топган.

Куни кеча Кўксарой қароргоҳида Президентимизнинг ёшлар билан бўлиб ўтган мулоқотида юртимиздаги 22 миллиондан зиёд ёшларимиз жуда катта иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий куч экани таъкидланди. Уларни қўллаб-қувватлаш масаласига барча масъул ва мутасаддилар эътиборини қаратди.

Кўглаб долзарб масалалар қаторида ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, китобхонликни оммалаштириш масалалари ҳам кўтарилди. Давлатимиз раҳбари ёшлар билан мулоқот давомида уларнинг турли соҳаларга оид таклифи ва ташаббусларини тинглади.

Учрашувда Урганч туманидаги 11-болалар мусика ва санъат мактабининг 4-синф ўқувчиси Отамурод Реимбоев ҳам ўз истеъодини намойиш қилиш имконига эга бўлди. У давлатимиз раҳбарига жонли ижрода кўшиқ айтиб берди. Отамуроднинг жарандор овози баутун залга таралди ва йилгиланларда катта таассурот қолдирди. Истеъодли ёш ижодкорнинг бу чиқиши Президентимиз томонидан ҳам алоҳида эътироф этилди.



Мамлакатимизда истеъодли ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор мана шундай янги юлдузларни кашф қилишда давом этмоқда, — дейди Урганч тумани 11-болалар мусика ва санъат мактаби дирек-

тори Илҳомжон Машарипов. — Отамурод Реимбоев қашқар рубоби синфиди ўқиса-да, аънаваний хонандалликка юқори қизиқиши туфайли ушбу йўналишда ҳам қўшимча тахсил олиб келяпти.

Мактаб раҳбарининг сўзларига кўра, Отамурод таълим муассасаси ҳаёти ва жамоатчилик ишларида фаол, катта-кичик тадбирлар унинг иштирокисиз ўтмайди.

бўлиб ўтди, — дейди Илҳомжон Машарипов. — Унда устозимиз Комижон Отаниёв репертуарининг етук намунаси бўлган “Мустахзод” қўшигини ижро этган Отамурод Реимбоев Гран-прини қўлга киритди. Давлатимиз раҳбари томонидан учрашувдаги ижродан сўнг совға қилинган автомобиль эса ушбу танловдаги муваффақият шукухидан ҳам баланд бўлди.

Ососан, қўшиқ куйлаш ва мактабда илм олиш билан шугулланиб келаётган иқтидор эгаси Отамурод муҳирлар билан суҳбатлашишга ҳали кўнилмаган.

— Учрашувда куйлаётгиди ҳаяжонландим, бу ҳақида Президентимизга ҳам айтдим, — дейди Отамурод Реимбоев. — Юртбошимиз кулиб, ижодимга, санъатимга ривож тилади, келгусида катта сахналарда юксак муваффақиятларга эришганда ҳаяжонланмасликни маслаҳат берди. Бугун мендан бахтиёр одам йўқ, ота-онам ва устозларим юзини ёруғ қилаётганим — бахтим.

Ёш иқтидорнинг устози Илҳомжон Машариповнинг айтишича, бир вақтда ҳам чолуғ чалиб, ҳам қўшиқ ижро этиш юксак маҳорат ва иқтидордан далолат, айниқса, шу ёшда. Юртимизда мусика мактабларида яратилган шароитлар, Отамурод мисолида оддий ўқувчининг истеъдодига берилган юксак баҳо ва муқофот бу — бир умрга татиғулик рағбатдир.

Нодир МАҲМУДОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

2026 йил 26 февраль, 39-сон

Бошланиши 1-бетда

Айни пайтда Ўзбекистон минтақавий геоиқтисодийнинг ривожланиши модели доирасида АҚШ билан индустриал саноат, инвестиция ва институционал ҳамкорликни жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳамкорликнинг моҳияти фақат савдо ҳаммини ошириш билан чекланиб қолмайди. Асосий эътибор юқори қўшилган қиймат яратиш, саноат кооперациясини чуқурлаштириш ва миллий иқтисодиётни глобал қиймат занжирларига тўлиқ улашга қаратилмоқда. Давлатимиз томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар иқтисодиётни хомашёга таянадиган моделдан индустриал, технологияга асосланган ва экспортга йўналтирилган иқтисодий тузилмага олиб чиқишни мақсад қилган.

Сўнгги йилларда АҚШ расмий вакилларининг Ўзбекистонга фаол ташрифлари, икки давлат раҳбарларининг мунтазам мулоқотлари тасодийий эмас. Юксак сиксис дўстлик эътирофи очик, кўп векторли ва икки томонлама манфаатларга асосланган иқтисодий ҳамкорликнинг амалий натижаси сифатида намоён бўлмоқда. Шу нуқтан назардан, Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг кенг кўламли янги босқичи мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодий тизимидаги ролини қайта белгилаш, глобал қиймат занжирларида пасив иштирокчилдан фаол субъектга айланиш ҳамда узоқ мuddатли барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган сиёсий ва иқтисодий танловидир.

Рақамлар ортидаги мазмун

Президентимизнинг амалий ташрифи доирасидаги музокараларда қайд этилган иқтисодий кўрсаткичлар Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари фақат иқтисод эмас, сифат жиҳатидан ҳам тубдан ўзгариб бораётганини яққол намоён этмоқда. Хусусан, 2017-2025 йиллар оралиғида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 4,7 баробар ошиб, 215 миллион доллардан 1 миллиард долларга етиши муносабатлар кичка мuddатли конъюнктура доирасидан чиқиб, барқарор ва институционал тенденцияга айланганидан далолат беради.

Ушбу жараёнда экспорт ҳажмининг 9,1 баробар ўсиб, 291,7 миллион долларга етиши Ўзбекистон ташқи савдоида пасив иштирокчи макомидан фаол экспортчи макомига ўтаётганини кўрсатади. Шу билан бирга, импорт ҳажми 712,3 миллион долларга етиши мамлакат иқтисодиётида юқори технологияли ускуналар, машиналар ва хизматларга талаб изчил ортиб бораётганини аниқлатади. Мамлакат учун индустриал янгилашни ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш ва иқтисодиёт таркибий ўзгаришларнинг аниқ белгиси сифатида намоён бўлади.

Инвестиция соҳасидаги кўрсаткичлар эса Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигининг янада чуқур институционал босқичга ўтганини



Шерзод ҚУРБОНОВ, иқтисодий таҳлилчи

тасдиқлайди. АҚШдан жалб қилинган тўғридан тўғри инвестиция ва кредитлар ҳажмининг 64 баробар ошиб, 2025 йилда 383,2 миллион долларга етиши бу ҳамкорлик тасодийий ёки кичка мuddатли эмаслигини кўрсатади. Умуман олганда, 2017-2025 йиллар давомида АҚШдан Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган инвестиция ва кредитлар жами 2,9 миллиард доллардан ошган. 2026 йил 1 февраль ҳолатига кўра, мамлакатимизда АҚШ капиталли иштирокидаги 346 та корхона фаолият юритмоқда.

Энг муҳим жиҳат шундаки, экспорт таркибида хизматлар улущининг 81 фоизга етиши Ўзбекистон ташқи иқтисодий моделининг хомашё экспортга эмас, балки билим, рақамли ечимлар, молиявий, ахборот ва логистика хизматларига таянаётганини кўрсатади. Бу глобал қиймат занжирларида паст қўшилган қийматли сегментлардан юқори



интеллектуал сегментларга босқичма-босқич кўтарилишига қаратилган онли ва узоқ мuddатли ҳаракатдир.

2017-2025 йиллар давомида АҚШдан ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА КИРИТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ВА КРЕДИТЛАР ЖАМИ 2,9 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРДАН ОШГАН. 2026 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛЬ ҲОЛАТИГА КўРА, МАМЛАКАТИМИЗДА АҚШ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ 346 ТА КОРХОНА ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА.



янги иш ўринлари, касбий ўсиш имкониятлари, замонавий билим ва технологияларни ўзлаштириш демакдир. Табиий савдо тугилади: кенг кўламли ислохотларсиз, очиклик сиёсати ва фаол ҳаракатларсиз шунча хоржий корхоналарни жалб қилиш мумкинмиди? Бу амалда мумкин эмас.

Сўнгги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар айнан шу натижаларнинг асосий манбаидир. Қонун устуворлиги, институционал барқа-

Advertisement for a QR code scanner app. Text: "УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ўқиш учун QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!". Includes a QR code and an image of a woman using the app.

рорлик ва очик иқтисодий сиёсат фуқаролик жамиятининг изчил ривожланиши учун ҳам мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу маънода, АҚШ билан иқтисодий ҳамкорликка онд ушбу кўрсаткичлар оддий ҳисобот рақамлари эмас, балки Ўзбекистон иқтисодиётининг янги ривожланиш босқичига кўтарилаётганини, жаҳон иқтисодий тизимида ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб бораётганини акс эттирувчи

ғида "Uzairways" ва "Boeing" компаниялари ўртасида самолётларни етказиб бериш бўйича шартнома имзолангани ҳамда ушбу қарор ижобий баҳолангани мамлакатимиз авиация салохиятига ишончининг аниқ ифодаси бўлди. Бу эътироф Ўзбекистоннинг фақат йўловчи ташуви давлат эмас, балки минтақавий ва трансконтинентал ҳаво логистикаси хаби сифатида шаклланиши имкониятига эга эканини кўрсатади.

Авиопаркини янгилаш ва кенгайтиришга қаратилган ушбу қарор стратегик жиҳатдан ҳаво юк логистикасини диверсификациялаш, халқаро юк ташуви йўналишларини очиб ва узоқ бозорлар билан тўғридан тўғри алоқаларни йўлга қўйиш учун мустаҳкам инфратузилмавий замин яратди. Айниқса, АҚШ билан тўғридан тўғри ҳаво юк алоқаларини ривожлантириш нуқтан назардан мазкур авиакемалар паркиннг техник имкониятлари, хавфсизлик стандартлари ва халқаро сертификатларга мослиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бу қарорни ҳаво транспорти соҳасидаги алоҳида харид сифатида эмас, балки геоиқтисодий стратегиянинг узвий қисми сифатида баҳолаш мақсада мувофиқ. Чунки авиация салохиятини ошириш орқали Ўзбекистон ташқи савдо географиясини кенгайтиради, логистика занжирларида транзит давлатларга боғлиқлиқни қисман камайтиради ва юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар экспорти учун вақт ва ишонч омилларини таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, инвесторлар қарорларига ижобий таъсир кўрсатиб, ишлаб чиқаришни айнан Ўзбекистон ҳудудида жойлаштириши рағбатлантиради.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг авиопаркини янгилаш ташаббуси ҳаво логистикасини ривожлантириш бўйича илгари сурилаётган таклифлар учун сиёсий ва институционал асос вазифининг бажаради. У мамлакатнинг ташқи иқтисодий сиёсатда куруқлик логистикасига таянадиган аънанавий моделини сақлаган ҳолда ҳаво транспортини стратегик қўшимча канал сифатида фаол ишга туширишга тайёр эканини намоён этади.

Ҳаво логистикасининг Ўзбекистон ташқи савдоси таркибига таъсири

Халқаро савдода логистика инфратузилмаси мамлакатларнинг глобал қиймат занжирларига интеграция даражасини белгилаб беришчи асосий омиллардан бири. Транспорт вақтининг қисқариши экспорт ҳажмини ошириш билан бирга маҳсулот сифати яхши сақланишига олиб келади. Айниқса, ҳаво юк транспорти юқори қўшилган қийматга эга, тез етказиб беришни талаб қилувчи ва стандартларга қатъий боғлиқ маҳсулотлар экспорти учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, ҳаво транспорти орқали савдо дунё товар айланмасининг нисбатан кичик улущини ташкил этса-да, қиймат ифодасида энг юқори сегментларни қамраб олади. Шу жиҳатдан Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида тўғридан тўғри ҳаво юк алоқаларини йўлга қўйилиши мамлакат ташқи савдо стратегиясида сифат жиҳатидан янги босқични шакллантириши мумкин.

АҚШ бозорининг институционал хусусиятлари Ўзбекистон учун хомашё экспортдан кўра, тайёр ва чуқур қайта ишланган маҳсулотлар экспортини устувор қилишни тақозо этади. "International Trade Centre" таҳлилларига кўра, АҚШ импортда фармацевтика, тиббий маҳсулотлар, тайёр тўқимачилик буюмлари ва органик озик-овқат маҳсулотлари юқори улушга эга бўлиб, ушбу сегментлар стандартлаштириш ва сертификатлаш даражаси юқори бўлган маҳсулотларни талаб қилади.

Фармацевтика соҳасида АҚШ дунёдаги энг йирик бозор ҳисобланади. АҚШда соғлиқни сақлаш харажатларининг юқори даражаси ва профилактикага йўналтирилган истеъмол модели шаклланиши витаминлар, биологик фаол қўшимчалар ва доривор ўсимликлар асосида тайёрланган маҳсулотларга барқарор талабни таъминлайди. Бу эса Ўзбекистон учун ҳаво логистикасига мос, юқори қийматли экспорт йўналишини шакллантириш имконини беради.

Тўқимачилик соҳасида эса АҚШ истеъмол бозорида экологик тозалик, ижтимоий жаобгарлик ва барқарор ишлаб чиқариш мезонларига мувофиқ маҳсулотларга талаб тобора ортиб бормоқда. Халқаро савдо ташкилотлари маълумотларига кўра, органик пахта асосида ишлаб чиқарилган тайёр кийим-кечак маҳсулотлари юқори қўшилган қиймат сегментида жойлашган бўлиб, бу Ўзбекистон учун хом пахта экспортдан тайёр маҳсулот экспортга ўтиш орқали қийматни мамлакат ичида сақлаб қолиш имконини яратди.

Агросаноат соҳасида ҳаво юк логистикаси қурилган мева-сабзавот, ёнғоқ ва бодом, асал ва органик озик-овқат маҳсулотлари каби юқори нарх сегментига мўлжалланган товарлар учун иқтисодий жиҳатдан мақбул ҳисобланади. Маълумотларга кўра, АҚШ истеъмолчиларининг соғлом турмуш тарзига йўналтирилган озик-овқат маҳсулотларига талаб узоқ муддатли тенденцияга айланган.

Шу билан бирга, ҳаво логистикаси ривожини нафақат товарлар, балки хизматлар экспорти учун ҳам институционал заминдир. Ахборот технологиялари, инжиниринг, архитектура ва дизайн хизматлари халқаро бозорларда жисмоний логистикага боғлиқ бўлмаган ҳолда қиймат яратди. Хизматлар савдоси глобал қиймат занжирларида энг тез ўсиб бораётган сегментлардан бири ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида тўғридан тўғри ҳаво юк алоқаларини ривожлантириш ташқи савдо ҳамжамини механик равишда ошириш билан чекланимайди. Бу йўналиш инвестиция қарорларини шакллантириш, ишлаб чиқаришни жойлаштириш мангитини белгилаш ҳамда қўшимча қиймат қайси иқтисодий маконда яратилиб, сақланиб қолишини ҳал қиладиган стратегик омилга айланиб бормоқда. Ҳаво логистикаси орқали вақт, сифат ва ишонч омиллари иқтисодий устунилик касб этар экан, мамлакат ташқи бозорларда фақат етказиб беришчи эмас, балки глобал қиймат занжирларининг фаол иштирокчиси сифатида намоён бўлади.

ХОТИРЖАМ ЯШАДАН УЛУҒРОҚ МАҚСАД ЙЎҚ

Статистик маълумотларга кўра, сўнгги 8 йилда юртимизда 120 миллион квадрат метр ёки 600 мингдан зиёд хонадон қурилиб, фойдаланишга топширилган. Уй сотиб олиш ниятидаги 541 минг юртодошимизга жами 103 триллион сўмга тенг ипотека кредити ва субсидия ажратилган. Бу жараён нафақат қурилиш соҳаси, балки қурилиш материаллари саноати ривожига ҳам хизмат қилади. Кўпала ҳудудларда мазкур соҳа иқтисодий драйверга айланди. Урбанизация даражасининг 1991 йилдаги 40,3 фоиздан ҳозирги 51 фоизга етгани ҳам ана шу тизимли ислохотлар натижаси.



Бунёдкорлик

депутати, филология фанлари доктори Поён Бакиров. — Мана, ҳозир вилоят марказининг ўзида 50-60 та, Денов туманида 20-30 та шундай 16 қаватдан юқори осмонлар, мустаҳкам, замонавий уйлар қуриляпти. Кўриб, фахрланиб кетасиз.

Бугун мамлакатимиздаги ислохотлар марказида инсон манфаати, қадр ва фаровон ҳаёти турибди. Бунинг аввало, уй-жой сиёсати мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Зеро, инсоннинг хотиржамлиги, оилавий бахти, эртанги кунга ишончи, аввало, уйи бор-йўқлиги билан боғлиқ.

инфратузилма объектлари инсон учун муносиб турмуш муҳитини яратишга хизмат қилади. — Биргина ўтган йилнинг ўзида туманлардаги ушбу массивларда 45 та кўп қаватли турар жойнинг фойдаланишга топширилгани бу ерга кўчиб келган 1568 оила ҳаётидаги нуқтилас воқеага айланди. Чунки бу хонадонлар улар учун фақат янги манзил эмас, балки узоқ йиллик орзуларининг рўёби, — дейди вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси мутахассиси Бекмухаммад Азимов. — Термиз шаҳри мисолида айтадиган бўлсак, "Фаровон-3" массиви ва Мангузар маҳалласи ҳудудида бунёд этилаётган 39 та, Сухотаб маҳалласида қурилаётгани билан ҳам аҳамиятли. Кенг ва раво кўчалар, болалар майдончалари, яшил ҳудудлар, ижтимоий

роит яратишга қаратилган. Йирик ва истиқболли лойиҳалар асосида "Термиз — экошаҳар" массиви ҳамда Денов туманида "Янги Ўзбекистон" массиви бунёд этилиши режалаштирилган. Мазкур лойиҳалар доирасида 100 га яқин 9-16 қаватли турар жой, яшил ҳудудлар барпо этилиши, пиёдалар ва велосипед йўлакларини ётқизиш, энергия тежовчи технологиялар, замонавий дренаж ва сув тежамкор тизимлар ўрнатилиши кўзда тутилмоқда. Янги мактаблар, боғчалар, тиббиёт муассасалари, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари барпо этиш орқали эса аҳоли учун яхлит ижтимоий муҳит яратилади.

шиор, балки амалий қадамлар билан ҳар бир инсоннинг ҳаётида ўз натижасини намоён қилмоқда. — Жорий йилда ҳам Сурхондарё вилоятида 8200 хонадондан иборат 42 та турар жой қурилиши режалаштирилган бўлиб, лойиҳалаштириш ва смета ишлари тўлиқ бажарилди. Қурилиш ишлари инҳосига етса, минглаб оилалар учун ҳар бир хонадон нафақат яшаш маскани, балки оилавий барқарорлик, меҳр-муҳаббат ва келажакка ишонч рамзи бўлади, — дейди вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси шўъба бошлиғи Саҳобиддин Норқулов.

Бу уйлarning бир қисми давлат дастурлари асосида, жумладан, "Янги Ўзбекистон" массивлари лойиҳаси доирасида барпо этилаётган бўлса, қолган қисмини эса хусусий тадбиркорлар талаб юқори бўлган ҳудудларда қурмоқда. Бу давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги самарали йўлга қўйилганини кўрсатади. Уй-жой сиёсатидаги бундай кенг кўламли ислохотлар фақат квадрат метрлар ёки статистик рақамлар билан ўлчанмайди. Аксинча, бу — инсон қадрини улуғлаш, турмуш шароитини яхшилаш, фаровонлик сари қатъий қадам ташлаш демакдир. Зеро, инсон бахти бўлса, жамият бахти бўлади. Жамият фаровон бўлса, Ватан равнақ топади.

Сурхондарёда барпо этилаётган янги массивлар, реновация ишлари, режалаштирилган йирик лойиҳалар бир ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлайди: юртимизда инсон қадрини барча нарсадан усту. Айнан шу устувор ғоя ислохотлар мазмун-моҳиятини белгилаб бормоқда.

Сарвар ТўРАЕВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



yuz.uz\_news



Нуқтаи назар

Ақл билан ишлаш даври



Абдухалил МАВРУЛОВ, тарих фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Бойлик орттириш, сиёсий мақсадларига осонлик билан эришишнинг минг хил йўллари...

Улар бугун мураккаб турфа йўл ўз миллий таракқиётда мисли кўрилмаган даражада...

Бошланиши бари бошқалар қатори ўзбек халқининг ҳам кўп қабилаларга, масалан, турмуш тарзини, ўзаро муносабатларини...

Чунки бугун дунёда барча соҳаларда содир бўлаётган мураккаблар, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш йўллари тўғрисида...

Авалло, халқимиз манфаатларига жавоб берадиган ички ва ташқи сиёсатининг қатъий амалга оширишимиз зарур...

Улар барчамиздан гафлатдан қутулишни, ҳар томондан келатган таҳдидлардан огоҳ бўлишни талаб қилади. Мамлакатимизда етакчилик ҳам бежиз ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар қўймайдиган ҳавф-хатарларни енгиб ўтишига қодир бўлган миллий давлатчилик...

Инсон табиятан шундай яралганки, унинг кўзи очик, тиринчилик, турмуш ташвишлари гамида тинимсиз ҳаракатда бўлади. Бироқ у гафлатда бўлиши ҳам мумкин. У ҳар доим одамлар орасида, ишга, ўқишга боради-қилади. Турли-туман тадбирларда қатнашади, ташқарида фалондек кўрилади. Аммо аслида-чи? Аслида, у фақат ўзини ўйлайди. Теварак-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисалар уни қизиқтирмайди. Тадбирларда барчаннинг иштироки эътиборини туйғулига "ўзини кўрсатади". Кўчада, маҳаллада, туманда, вилоятда, мамлакатда, дунёда содир бўлаётган ҳодисалар уни қизиқтирмайди. У тақдирини ҳал этишда ҳам ўзини сунмайди, давлат ва миллат келажаги ҳақида қайғуришни ҳаёлига келтирмайди. Қандай жамиятда, қайси мафқуларда асосида яшашининг фарқи йўқ. Унинг шiori: "Менга нима!", "Оч қорним, тинч қулгим", "Бир шиёла чойим, бир бурда ноним бўлса бўлди", "Бу майда-чуйда ишлар, эътибор бермасам ҳам бўлаверади" қабиллардан иборат. Ана шундай одамларни гафлатдаги кишилар дейиш мумкин. Афсуски, бундайлар орамизда бор.

Хўш, "гафлат" нимани аниглайди? Гафлат инсоннинг ақл ва қалб кўзини кўр қилмади, бўлаётган ҳодисалар, ҳақиқат ва охира...

ЁХУД ҒАФЛАТДАН ҚУТУЛИШНИНГ БЕШ ЙЎЛИ

масъулиятдан беҳабарлик ҳамда лоқайдлик ҳолатига туширади. Ғафлат — маънавий кўрлик, атрофдаги ибратли ҳодисаларни кўра туриб, улардан ҳулоса чиқаришга рағбат бермайди.

Шарқ таваққур оламида гафлат масаласига нисбатан ўта жиддий муносабатда бўлинган. Масалан, ундан қутулиш учун қалбни яхши нарсалар билан тўлдириш лозимлиги, шунингдек, гафлат инсонни жаҳолатга чақирishi, ҳар бир инсонда унинг борлиги дунё матоҳлари ва ҳавойи орзулар ортидан қувшига ундайдиган салбий ҳолат эканига алоҳида диққат қилинган. Буюк мутафаккир Абу Ҳомид Ғаззолий бундай ёзади: "Ғафлат афсус-надоматни келтириб чиқаради ва неъматнинг қўлдан кетишига сабаб бўлади. У Аллоҳнинг йўлини пардалайди, ҳақнинг кучайиши ва кишининг озорланишига сабаб бўлади..."

Кўҳна Шарқнинг яна бир алломаси, ватандошимиз Хожа Самадлар Термизий ижодида ҳам кўп қабилаларнинг маънавий масалалар қаторида гафлат, унинг инсон, ватан тақдиридagi зарарига алоҳида эътибор берилган. Унинг фикрича, душман ҳар доим инсоннинг гафлатда қолишини кутади. Душман учун муҳими одамнинг гафлатда қолишидир.

Албатта, кейинги йилларда, айниқса, сўнгги 8-9 йил мобайнида мамлакатимизда кечаётган кенг кўламли ислохотлар тўғрисида одамларимизнинг маънавий оламида жиддий сифат ўзгаришлари содир бўлмоқда. Ўз тақдирини миллат ва ватан тақдирини билан узвий боғлаш, ислохотларнинг шунчаки кузатувчиси эмас, аксинча, фаол иштирокчиси сифатида намоён этидиганлар сафи тобора кўпайиб бормоқда. Бироқ одамлар орасида ҳали ҳам гафлат уйқусида ётган, маънавий-мафқуравий уйғонишни ҳаёлига ҳам келтирмаётган, дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан адолатли ҳулоса чиқаришга ҳаракат қилмаётган айрим ватандошларимизнинг борлиги, ҳеч шубҳасиз, жамиятга муайян эътирозларга сабаб бўлиши таъинидир.

Шу нуқтадан назардан, ана шундай одамларни гафлат уйқусидан чиқаришни кўйидаги йўллари ҳақида субъектив фикрларни баён этишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Биринчидан, инсоннинг гафлатдан уйғониши тарихини, хусусан, миллий тарихини ўрганиш, ҳис этиш, ундан зарур ҳулосалар чиқариши асосида рўй беради. Тарихни инкор этиш ўзини инкор этиш, пировард оқибатда ўзини йўқотишдан бошқа нарсани эмас. Тарихни ҳис этиш тарихда яшаш, уни ҳар доим, ҳар соғинада ёд этиш, ўтмишдан руҳий қувват олиш демакдир.

Агар биз ўтмишни ўрганишда ахлоқий мейёрларни топа билмасак ва уларга сунмасак, алоҳида шахсининг инсоният оқибатига масъулиятини сезиш қобилиятини барбод қилган бўламиз. Шунинг учун ҳам немис олими Фридрих Шиллер "Тарихни ўрганиш ақлимизни нурулантиради, қалбимизни олижаноб фидойиллик билан алангалантиради. У руҳимизни ахлоқий масалаларга пасткашлик ва бачканалик билан ёндашишдан сақлайди", деганида ҳақ эди.

Хўш, инсоннинг гафлатда ботиши ва тарихини ўрганиш ўртасидаги мантӣқий боғлиқлик нимадан иборат? Гап шундаки, гафлатда қолиш яқин ва узоқ тарихимиздаги мустамақкачиликлар давридаги моддий ва маънавий йўқотишларимизни унуттишга, йўл қўйган хато-камчиликларимиздан сабоқ чиқаришдаги ожизлигимизга, келажагимизни ёрқин тасаввур қила олмаслигимизга олиб келади.

Энг ачинарлиси, тарихни унуттиш миллий бирлигини емиради. Бугун, юқорида қайд этиганимиздек, дунёда кескин кураш ва рақобат кучаймоқда. Жаҳонда манфаатлар тўқнашуви авж оляпти. Глобаллашув жараёни инсоният учун авваллари тасаввур қилиб бўлмайдиган имкониятлар билан бирга қутилмаган муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Дунёда манфаатлар тўқнашуви авж олган бир пайтда бизни турли бало-қазолардан асраб қоладиган ягона куч миллий бирликдир. Авваллари қайта-қайта таъкидлаганимиздек, ўзбек халқи шонли тарихида нимага эришган бўлса, миллий бирлик тўғрисида эришган, нимани йўқотган бўлса, у ҳам миллий бирлик ва миллий ўзлиқка нисбатан эътиборсизлик тўғрисидадир. Дарҳақиқат, миллий бирлик ҳар бир шахсини, пировард натижада миллий гафлат уйқусидан уйғотган, сергаклигини оширадиган, миллатга маънавий-руҳий қувват беради, янги мақсадлар сари қўрайди.

Аммо бу борада кейинги йилларда талай ибратли ишлар қилинганга қарамай, бу фаннинг ривожига замон талабларидан орта қолмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Тарихга оид илмий тадқиқот ишлари асосан баёичлик, публицистик усулда ўлтирилмоқда. Натижада олис ва яқин ўтмишимиздаги қўлпгина воқеаларнинг мазмун-моҳияти, уларни юзага келтирган омишлар ва тарихий қонуниятлар очилмасдан қолмоқда. Бир ҳақиқатни барчамиз чукчур англаб олишимиз керак: миллий тарихни халқимиз, айниқса, ёшларимизга миллий руҳда етказиш, уларнинг қалбига, шуғрига сингдириш керак. Акс ҳолда, унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Ҳуз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий таваққур билан қуроллантиришимиз зарур".



Тарихнинг миллий бирлики мустақамлашдаги алоҳида ўрнини қайд этган ҳолда Президентимиз 2021 йилдаёқ юрт тарихчилари олдига Ўзбекистонда тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш вазифасини қўйган эди. Бироқ бу концепциянинг зарурлиги бугунги кунда жуда сезилляпти. Шу ўринда ўзбек тарихчиларини миллий тарихимиз концепциясини тезроқ ишлаб чиқиши ўта зарур. Унутмайлик, жамиятнинг гафлат уйқусидан уйғотиши фақат ва фақат тарихни ўрганиш, ундан зарур сабоқлар чиқариш орқалигина юз бериши мумкин.

Иккинчидан, миллатни гафлат уйқусидан уйғотишда сиёсий маданиятнинг ўрни бениҳоят катта. Сиёсий маданият умумий маданиятнинг янги муҳим жиҳатларидан бири ташкили этади. Сиёсий маданият жамият аъзолари, ижтимоий тартиб, алоҳида фуқаронинг давлат ички ва ташқи сиёсатини тушуна билиш қобилияти, таҳлил қила олиш даражаси ва сиёсий вазиётга қараб, мустақил равишда ўз хатти-ҳаракатларини белгилаш ҳамда уларни реал ҳаётда рўйбега чиқариш маданиятидир.

Сиёсий маданият инсоннинг амалий фаолиятини ташкил этиш, сиёсий таваққур ва сиёсий ҳабардорлик даражаси ошишига, пировардида сиёсий-мафқуравий қайфияти шаклланишига ижобий таъсир кўрсатадиган муҳим ҳодисадир. Шахс сиёсий маданияти бугунги

Сиёсий маданиятимиз даражасининг пастлиги оқибатида узоқ даврлар давомида кимларгадир қарам бўлганимизни унуттиш мумкинми? Ким бизга яхши ва ширин гаплар таъбираси, унинг туб моҳиятини англамасдан, таҳлил этмасдан уларга ишонган даврларимизни эсдан чиқармаслигимиз лозим деб ўйлайман.

Кўҳна тарихда бунга мисоллар жуда кўп. Масалан, Турк хоқонлиги даврида Билга хоқон ўзида ватан туйғуси жуда баланд эканини кўрсатади. Ўта ишонувчан бўлмаслик, бошқаларнинг гапини мулоҳаза қилгандан кейин иш юритиш қарарини таъкидлайди. У айтди: "Эй турк халқи, тўқис ишонувчансан, самимий ва носамимийни ажратмайсан, ким қаттиқ гапирса, самимийни ҳам танимайсан. Ўшандайлигинг учун тарбия қилган хоқонингнинг сўзини олмайн, ҳар қаерга кетдинг, у ерларда бутунлай гойиб бўлдинг, ном-нишонсиз кетдинг".

Сиёсий сергаклигини йўқотиш сиёсий маданият шаклланишига жиддий таъсир қилдиган омилдир. Чунки сиёсий маданият ва сиёсий сергаклик уйғуланишга мақом ва замонда одамлар давлат сиёсатини таҳлил қила олиш, ундан ҳолис ҳулосалар чиқаришга имкон топади. Бугунги жиддий глобаллашув даврида, сиёсий-мафқуравий таҳдидлар кундан кун авж олаётган бир шароитда турли сиёсий мухолифлар одамлар онини яхши ва ширин сўзлар билан манипуляция қилишнинг минг хил йўллари йўлба тоғмоқда.



дунёдаги туб ўзгаришлар, бурлишлар даврида зарур ҳисобланади.

Гафлат кўйинидаги одам учун мамлакат ва жамият ҳаётинидаги ҳар қандай ўзгаришлар аҳамиятсиз. Ундай одам учун ўзи яшаб турган мамлакатдаги сиёсий жараёнлар, минтақалар ва давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг мутлақо қизғини йўқ. У ўзи учун, бугунги билан яшайди. Бундайлар мамлакат ва жамият учун душманларга қараганда ҳам ҳавфлироқдир.

Миллий тарихимизга эътибор қаратадиган бўлсак, сиёсий маданиятимиз камлиги ёки йўқлигиндан кўпроқ аэоб чекканмиз. Маншый муаммоларимиз билан ўралашиб қолган, тўй ва аза тадбирларини ўтказишдаги "кимўзарлик"дан иборат азалий миллий иллатларимиз ҳам бизни гафлат ботқонига тортиди.

Бугун янги Ўзбекистонни барпо этишда муайян қийинчиликларга дуч келишимизда ҳам сиёсий маданият даражаси пастлиги панд беришти дейишимиз мумкин. Масалан, сиёсий маданиятнинг пастлиги бугунги мураккаб сиёсий-мафқуравий маконда бизга ким тўғриво ким нотўғри "маслаҳат" бераётганини аниглашимизга тўсиқ бўлмоқда.

Гафлат жаҳолатга олиб борадиган йўлдир. Шунинг учун миллий тарихимизда мутафаккир-алломаларимиз халқни уйғотишга, замондан орта қолмасликка, жаҳоний мусобақада доимо олға боришга ундаган. Шу ўринда ўзбек халқини гафлат уйқусидан уйғотишга даъват этили, ҳақ сўз айтгани учун ҳаёти билан хун тўлаган Хожи Муиннинг қўйидаги қақирқиларга қулоқ тутаёлик: "Оҳ! Қандай бахтиқаро эканман, нечук толесиз эканманки, бу кунда маним қўшнилариим интибоқ азонини эшитиб уйғонган ва ўз соадатлари сари югурмоқда бўлган ҳолда маним бахтсиз авлодим бир-бирларини билан нифоқ ва адоват кучи билан талашиб, ёқалашиб, охири ҳориб, кучсизланиб, жаҳолат тўшагинида хануз ухлamoқда ва жонсиз гавдалар каби хануз ётмоқдалар.

Ай туркistonли турк ўғлонларим! Энди турингиз! Жаҳолат уйқусидан уйғонингизки, кичик қиёмат кўнди! Агар бу чоғда ҳам уйғонмай, ўзингизни асорат қишанингиздан, ёқангизни жаҳолат чангалидан, юртингизни душманлар тирноғиндан ажратиб қутулмасангиз, сўнгра буюк қиёматда сизларга таъмин ердан бошқа юрт берилмас, зақум ошиндан бўлак емак едирилмаски, расвои олам бўлурсиз".

Учинчидан, гафлатдан қутулишнинг тасирчан йўлларида яна бири шахсининг фаол иштирокчисига айланишдан иборат. Пастив кузатувчи одатда лоқайд одам. Ундайлар доимо инсон, жамият, миллат ишига бепарво бўлади. Янаям бошқача айтганда, лоқайдлик — маънавий иллат. Бу иллатдан қутулиш қийин. Аммо жамиятда юз бераётган ижтимоийлашув орқали ундаги лоқайдликдан иборат маънавий иллатни бартараф этса бўлади.

Бугун янги Ўзбекистонда ижтимоий давлат барпо этилиши билан боғлиқ жараёнлар инсонни гафлат уйқусидан уйғотиб, ундаги лоқайдлик ҳолатини бартараф этиши мумкин. Лоқайд одамларнинг энг зарари жиҳатларидан бири ундаги қатъий ҳаётини позициянинг йўқлигидир. Ундайлар ким нима деса, шунга осонлик билан ишонаверади. Ундайларни манипуляция қилиш жуда осон. Ижтимоий тармоқларга "қул" бўлиб қолиш, давлат томонидан тақдим этиладиган расмий маълумотларга бепарво муносабатлар лоқайдликнинг ярамас кўринишларидандир.

Ҳаётини позициянинг йўқлиги эса, ўз навабатида, уни давлат, жамият, эл-юрт ташвишларидан четда туришига, масъулиятдан қочинишга ундайди. Унинг қадриятлари ўзгарувчан, ташқи муҳит таъсирига берилувчан бўлади. Афсуски, айрим ватандошларимизда ана шу сифат устуворлик қилади. Лоқайд одамларда фурсатнинг бой берилишидан афсусланиш ҳисси бўлмайди. Мамлакат ва миллат тақдирини ким тартибда турган пайтларда лоқайд одамларнинг фаолияти (аниқ айтганда бўлса, фаолиятнинг йўқлиги) қимматга тушиши мумкин.

Инсонни лоқайдлик ҳолатидан қайтариш учун, назаримизда, улардаги ижтимоий-сиёсий билгим даражасини ошириш, маънавий-сиёсий тарбиянинг таъсирчан йўллари билан кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, бир пайтлар одамларимиз орасида муайян маънода нуфузга эга бўлган ва телевидениеда кўрсатиб боришган "Сиебат оламида", "Таваққур соати" каби кўрсатувларни тиклашни мақсадга мувофиқ дейиш мумкин.

Тўртинчидан, гафлатдан қутулишнинг муҳим йўлларида яна бири ўзимизга ортинча баҳо беришдан тийилиш, ҳозирги дунёда давлат ва халқлар қатъийликни ирерахик ўзгаришлар жиддий тус олаётганини эътиборга олишидир.

Асло унуттиш мумкин эмаски, ким бугун ўзининг мавжуд ҳолатидан қониқиб ҳосил бўлса, бу унинг муайян даражада тўхтаганидан, ўзинга зёб бера бошлаганидан далolatдир. Албатта, Ўзбекистон жаҳон цивилизациясига бетакор ҳисса қўшган, унинг барча жаҳонда муносиб ўрин эгаллаган давлат. Бунчи халққаро ҳамжамият алақачон тан олган. Давлатимиз раҳбари томонидан Учинчи Ренессансни барпо этишга ягона илгари сурилган ҳам бежиз эмас. Зеро, бундай қарорга келишининг сабаби бу борада катта тажрибага эгаллигимиз, халқимиз қони ва руҳиятида кўҳна мозидаги жаҳоний кашфиётлар яратган, ихтиролар қилган мутафаккир-алломаларимиз қони оқаётганидир.

Бироқ агар биз фақат буюк ўтмишимизни кўз-кўз қилиш билангина чекланиб қоладиган бўлсак, кўп нарсани йўқотишимиз, гафлатда қолишимиз мумкин. Назаримда, бу борада ширимиз бундай бўлиши лозим: ўтмишдан маънавий-руҳий қувват олиб, ўз заминларимизда мустақам туриб, барча имкониятларимизни келажаққа излаш.

Тарих бугун бизга бетакор имконият яратди: янги Ўзбекистонни барпо этиш, барқарор иқтисодийни яратиш, халқимизни буюк ишларга сафарбар қилиш, реал ҳаётда умуммиллий тараққиётга эришиш имкониятига эгамиз. Қолаверса, бугунги янги Ўзбекистон таракқиёти жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам кўлаб-қувватланмоқда. Ана шундай шароитда биз бир нарсани унуттишга асло ҳаққимиз йўқ: биз бугун Биринчи ва Иккинчи Ренессансни яратган Форобий, Ибн Сино, Фароний, Беруний, Хоразмий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, ислом дини таракқиётини энг юқори чўққиларга

олиб чиққан алломаларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Аммо XXX ва XXXV асрларда яшайдиган авлодларимиз бугун, XXI асрда амалга оширган қайси ихтиролар, жаҳоний кашфиётларимиз билан гуруруланади? Ана шундай қайфият, назаримда, айрим лоқайд одамларимизни гафлат уйқусидан уйғотган.

Гафлат уйқусидан уйғонмоқ учун энди "қаттиқ ишлаш эмас, ақл билан ишлаш"га ўтишимиз лозим. Ҳа, худди шундай давр келди. Ҳиссиётга қул бўлиб, ички кечинмаларимизга қулоқ тутиб, бировларнинг фикрига эргашиб юриш қанчалик "қимматга тушиши" мумкинлигини энди англаб етишимиз керак.

Бу эса барчамиздан ақлга суянишни талаб этади. Ақл нима? Нима учун ақлга суянишимиз керак? Биринчидан, ақл инсон миясининг дунёни акс эттириш ва шахсининг воқеликка муносабатини бошқариб турадиган фаолият ҳисобланади, инсонни фикрлашга ундайдиган ҳодисадир. Иккинчидан, ақл инсоннинг фикрлаши, билиши, таҳлил қилиши, тушуниши ва энг муҳими, тўғри қарор қабул қилиш қобилиятидир. Учинчидан, ақл доимий равишда янги билимлар билан бойиб борувчи, инсоннинг инсонийлигини сақлаб қолувчи кучли ва таъсирчан маънавий омилдир.

Алишер Навоий ижодида ақл билан боғлиқ жуда кўп ибораларни кўриш мумкин. Масалан, аллома ўз асарларида ақл аҳли — хушёр эгаллари; ақл мезони — онг; ақл ўлчови, таъризи; ақл муҳандислари — доғишманлар, олимлар, билимдонлар; ақл хирмони — ақл мужассамлиги; ақл ўти — зехни ўткирлиги, хушёрлик; ақли жаҳоҳиришнос — етуқ, қомил ва сўзинг аширин сирларини яхши тушунувчи ва ноиктаъб кишиларни идроклиси каби ақл сўзини 27 ўринда кўлаб, унинг 27 даражаси ва 27 сифатини маълум қилади.

Ҳақиқатан, ақл битта сўз бўлганига қарамай, унинг даражалари жуда кўп. Инсоннинг етуқлиги, жамиятдаги маъвке, одамлар билан муносабатидagi даражадан айнан ана шу феномен ҳодиса билан бевосита боғлигани ҳам бежиз эмас.

Биз бугун янги Ўзбекистонни барпо этиш эканмиз, шубҳасиз, бу жараён инсон ақлининг қувватисиз рўй бериши асло мумкин эмаслигини англашимиз лозим. Назаримда, биз узоқ йиллар давомида бир жиддий хатога йўл қўйгандекмиз: меҳнатни ақлий ва жисмоний меҳнатга бўлиб қўйдик. Ақл жисмоний меҳнат ҳам ақлга суянайдики? Инсоннинг ҳар бир фаолият учун ақл, илм-фан, фаросатга сунмас экан, унинг самарадорлик даражаси пастайиб бораверади.


Бугунги дунёнинг барча илгор мамлакатлари нимага эришган бўлса, ақл билан ишлаш тўғрисида, янги тажриба ила ривожланиб, таракқиётнинг янги босқичларига эришди.

Яна бир муҳим масала: биз янги даврга рақамли дунё, янги технологик инқилоб ва сунъий интеллект орқали кириб боряёмиз. Давлатимиз раҳбарининг бот-бот қайд этишича, энди олдимизда кўндаланг бўлиб турган энг мураккаб вазифалардан бири янги технологик инқилоб талабларига жавоб берадиган, замонавий таваққур тарғиба эга ёшларни тарбиялашдир.

Бешинчидан, айрим одамларимизни гафлат уйқусидан уйғотиш учун уларда қосқак ва танпарварлик, ватансеварлик туйғусини шакллантиришимиз лозим. Бу борада мамлакатимиз етакчиси ҳар бир асарига, маърузасига ёшлар, аҳолининг барча қатламлари билан учрашувларида тақор-тақор қийд этади. Бугунги дунё жиддий ўзгаришлар гирдобига фарқ бўлди. Азалий қадриятлар емирилиш аяв оломқда. Айрим башоратчилар миллий давлатлар ўз вазифасини бажариб бўлди, энди "ягона дунё моделини яратиш" даври келди деган иддаоларни тобора баландроқ гапирмоқда.

Гафлатдаги одамга ватан, ватан туйғуси ҳақидаги гаплар таъсир қилмавермайди. Шунинг учун ҳам ватанпарварлик, ватансеварлик борасидаги ишларимизнинг самарадорлик даражасини жиддий оширишимиз бугун бежиз ҳаққа зарур. Ватан тўғрисида гапириниш жуда кучли масъулият бор. Ватан тўғрисида шешар битиб, қўшиқ айтиб, айна вақтда уни сотсанлар қанча бўлди. Ватанга содикман дея қоссам ичиб, унга сотқилик қилганлар қамми?

Шунинг учун бугунги маънавий-тарбиявий ишларимиз, таълим-тарбия борасида гапирганимизда ватанпарварлик, ватансеварлик туйғусини шакллантиришга эътиборни қучайтиришимиз лозим. Бунинг учун, фикримизча, таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар нуфузини жиддий ошириш керак. Айниқса, олий таълим тизимида бу масалага устувор эътибор зарур. Ахир буюк тарихимизда қўлга киритилган ютуқларимиз, яратилган шакллантириш эса глобаллашув ва мафқуравий босимлар қучайган бугунги кунда муҳим ўрин эгаллаш керак. Бунинг учун эса бизга "глобал фикрлайдиган, локал ишлайдиган" ёшлар зарур. Ана шундай макомда ёшларни гафлат уйқусидан уйғотган, том маънодаги ватанпарвар, ватансеварлар, десак тўғри бўлади.



Ўзбекистон ва жаҳон




yuz.uz\_news yuz.uz\_news

қурилиш жараёнида ер остидан қадимий буюм ёки ашё чиқиб қолади. Тартибга кўра, ўша заҳоти қурилиш тўхтатилиб, топилмани ўрганиш учун мутахассислар сафарбар этилади.

Нарадаги Тодай-дзи, Кофуку-дзи, Касугатайса, Ганго-дзи каби жами саккизта қадимий обида ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

Нара ахлдан табиатга ҳурроқ, агроф-мухитни муҳофаза этиш борасида ҳам кўп нарсга ўргана бўлади. Шаҳар ҳудудидаги Касуга-яма ўрмони неча асрлардан буюн дахлсиз



— ЖАҲОНДА ШАҲАРЛАШУВ ЖАРАЁНИ КУЧАЙМОҚДА. БУНИНГ МУСБАТ ВА МАНФИЙ ҚУТБЛАРИ БОР, АЛБАТТА, — ДЕЙДИ ЖАНОБ НАКАГАВА. — АЙНИҚСА, НАРА КАБИ ҚАДИМИЙ ШАҲАРДА ТАРИХИЙ ОБИДАЛАР ВА МАДАНИЙ ОБЪЕКТЛАРИНИ КЎЗ ҚОРАЧИГИДЕК АСРАМОҚ ДАРКОР.

ОЛИСДАГИ ЯҚИН ДЎСТИМИЗ

Нара шаҳри юртимиз маданияти кўрғазмаси ва “Самарқанд” боғи очилишига ҳозирлик кўрмоқда

Япониянинг Нара шаҳри ўз даврида Буюк ипак йўлининг шарқий дарвозаси сифатида стратегик аҳамият касб этган. Кўҳна кент сўлим табиати, мўътадил иқлими, мозий нафаси уфуриб турган обидалари билан бугун ҳам сайёҳларни ўзига ром қилияпти.

Нарани Ўзбекистоннинг олисдаги яқин дўсти деб аташ мумкин. Зеро, 2022 йил октябрь ойида Нара ва Самарқанд шаҳарлари биродарлик риштасини боғлаган эди. Яқинда бу кўҳна ва ҳамшиша навқирон шаҳарга саёҳат қилдик.

Тамаддулар кўприги

— Инсоният тарихида кўпга урушлар, низола рўй берган, — дейди Нара мэри Гэн Накагава. — Аммо оқилу фозиллар давлатлар жангу муҳорабалар эмас, балки халқлар ўртасидаги дўстона муносабатлар асосида тараққий этиши борасида яқдилдир. Хўш, шаҳарлар ўртасида биродарлик нима учун зарур? Гап шундаки, дунёда бирор маданият ёлғиз ҳолда равнақ топмайди. Масалан, япон маданияти, ҳунармандлигида бошқа халқлар таъсири сезилади. Бу эса турли эллар ўртасидаги робиталар илдизи чуқур эканидан далолат беради.

Нара ва Самарқанд ўртасида биродарлик алоқаси ўрнатилгани ҳам ҳаётий эҳтиёж, тарихий зарурат маъсулидир. Самарқанд ва Нара асрлар мобайнида Буюк ипак йўли манзилгоҳлари сифатида тамаддулар ўртасида маданий кўприк вази-фасини бажарган. Нарадаги Тодай-дзи ибодатхонаси хазинасида VIII асрда Марказий Осиёдан келтирилган, Сўғд маданиятига оид осор-атикалар сақланади.

Ўтган йили Япониянинг ННХ телеканали Нара ва Самарқанд тарихий алоқаларига оид қизиқарли лавҳани эфирга узатди. Унда ҳикоя қилинишича, археологик қазималар довомида Нарадаги Томою-Марусан кўрғонидан учта мис ойна топилган. Улардан бири диаметри 19,1 сантиметрли, Хан сулоласи даврига оид артефактдир. Самарқанд вилоятидаги Кўктепа кўрғонидан ҳам ушбу даврга



ойд буюмлар, жумладан, диаметри 18,7 сантиметр бўлган бронза ойна топилган. Саноксиз сир-синоатлардан воқиф мўйсафид дунёда тасодифлар йўқ. Бир томчи сувдек ўхшаш нодир артефактлар биродарлик теран илдизларга эга эканидан шохидлик беради. Нара ҳам Самарқанд каби кўҳна пойтахтлардан бири. У 710-784 йилларда япон давлатининг бош кенти бўлган. Давлатчиликнинг бешиги саналган икки шаҳар ўртасида

биродарлик ипи боғлангани теран рамзий маънога эга.

Ваъда вафоси билан

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Японияга расмий ташрифи доирасида 2025 йил 20 декабрь куни Нара мэри Гэн Накагавани қабул қилган эди. Ўша учрашувда Нарада “Самарқанд” боғи очилиши ҳам айтилганди.



— Шу кунларда “Самарқанд” боғи лойиҳаси бўйича қизгин ишламоқдамиз. Янги боғни етти ёшдан етмиш ёшгача — турли аҳоли қатлами хордиқ чиқарадиган севимли истироҳат масканига айлантироқчимиз. У Самарқанд руҳини ҳам акс эттироғи лозим. 2027 йилда Нара миллий музейида Ўзбекистон маданияти ва тарихига оид археологик кўрғазма ташкил этилади. Янги боғни кўрғазма билан бир вақтда очишни режалаштирганмиз. — дейди мэр Гэн Накагава.

Ўзбекистон халқ шоири Хуришд Давроннинг бундай сатрлари бор: Миноралар — қаддимиз бизнинг, Сардобалар — бизнинг кўз ёшлар. Битиктошдир ҳар бири, ўқинг, Пойдеворга тахланган тошлар. Дарҳақиқат, тарихий обидалар шунчаки моддий объект эмас, миллиятнинг жавҳарини сақловчи маънавий бойлик ҳамдир.

— Жаҳонда шаҳарлашув жараёни кучаймоқда. Бунинг мусбат ва манфий қутблари бор, албатта, — дейди жаноб Накагава. — АЙНИҚСА, НАРА КАБИ ҚАДИМИЙ ШАҲАРДА ТАРИХИЙ ОБИДАЛАР ВА МАДАНИЙ ОБЪЕКТЛАРИНИ КЎЗ ҚОРАЧИГИДЕК АСРАМОҚ ДАРКОР. ШАҲРИМИЗ ТАРИХИЙ ҚИЁФАСИНИ САҚЛАШ МАҚСАДИДА ЯНГИ БАРПО ЭТИЛАЁТГАН ҲАР БИР БИНОНИНГ БИЛАНДИЛИГИ, ШАКЛУ ШАМОЙЛИ НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИ. АЙРИМ ДАҲАЛАРДА ҲАТТО ЁРҚИН РАНГЛИ ПЕШЛАВҲАЛАР ОСИШ МУМКИН ЭМАС. ГОҲИДА

сақлаб келинмоқда. Ушбу ўрмонда дарахт кесиш ва ов қилишни тақиқлашга доир қонун 841 йилдан буюн амалда.

Нара кўчалари, зиёратгоҳлар бўйлаб кийилар эмин-эркин юрганини кўрасиз. Шаҳар рамзига айланган тилсиз жониворлар неча асрлардан буюн одамзод билан ёнма-ён яшаётёр.

Нара — рубий маскуннинг маъмур кентларидан бири. Бир қарашдаёқ шаҳарнинг бетакоррор мейморчилиги эътиборни тортади. Мунаққаш қопқали, алвон томли кўҳна бинолар бир тараф, офтоб нурида камалмонанд жилва таратаётган замонавий ойнабанд иморатлар бир тараф. Шаҳарсозликини ривожлантириш ва тарихий обидаларни муҳофаза этиш борасида “олтин ўрталик” топилгани таҳсинга лойиқ.

Ёлғиз дарахт ўрмон бўлмас

Очиқ осмон остидаги музей-шаҳарни кезиб эरिकмайсиз. Замон шиддати, дунёнинг ташвишларига қарамай, нарликлар некин кайфиятда. Боз устига, миришкор, жонсарак, одамшаванда. Катта муъжизаларга кўл урган бўлса-да, ўзини камтару камсўқун тутди. Тарихий меросга ҳурмат ҳисси, қолаверса, томирларда оқаётган боболар қони одамларига куч беради, чамаси.

Собир САЛИМ, журналист

ҚОЯТОШЛАРДАГИ СИНОАТЛАР САЙЁҲЛАРНИ ҚАШҚАДАРЁГА ЧОРЛАЯПТИ



Экотуризм

Марказий Осиёда бадиий ижоднинг илк кўринишларидан бири — қоятош расмлари антик даврда пайдо бўлган. Қоятошлардаги суратлар ҳудудда минг йиллар давомида яшаб келган халқнинг ҳаёти ва маданияти ҳақида муҳим маълумот манбаидир.

Кейинги йилларда мутахассислар юртимиздаги қоятошларга ўйилган суратларни ўрганипти. Натижада мамлакатимизнинг турли ҳудудда янги манзиллар аниқланяпти. Улар маданий мерос объектлари рўйхатига киритилиб, муҳофазага олинмоқда. Шу тариқа тарихий қоятош суратларини аслича сақлаб қолишга эришилмоқда. Айрим ҳудудларда олимлар қоятош суратларининг аҳамиятини маҳаллий аҳолига ташутирипти. Бу орқали турли тушунмовчиликларга барҳам бериляпти. Мазкур сайёҳаракатлар экотуризм ривожига ҳам сабаб бўлмоқда.

Хусусан, Чироқчи тумани Куруқсой қишлоғидаги қоятош суратлари ҳам яқин-яқингача ўрганилмаган эди. Маҳаллий аҳоли бу жойни шунчаки сирпаданган тош сифатида кўрган. Илгари уни табаррук билиб, шу ерда баъзи маросимлар ўтказилган. Кейинчалик олимлар Сийпантош қоятошларига қизиқиб қолди. Хусусан, 2001 йилда малакали мутахассис, академик Рустам Сулаймонов ўрганишлар олиб бориб, қоятош суратлари жуда қадимий эканига аниқлик киритди. Шу орқали қишлоқ аҳолиси жойи муҳиятини англади. Шундан сўнг ушбу манзилни томоша қилиш истагида келувчилар сафи кенгайди.

— Бу ерларда қўй-қўзи боқиб воёга етганмиз. Аммо тошлардаги суратлар қадимий

эгани ҳаёлимизга келмаган, — дейди куруқсойлик ўқитувчи Жонибек Эргашев. — Биз фақат сийпанчиқ тош борлигини билганмиз холос. Шу боис, номи ҳам сийпантош, баъзан сипалтош деб атардик. Зиёратчилар келиб, бу тошда бир сирпаиб кетарди. Мутахассислар суратларнинг қачон, қайси даврларда чизилганини ўрганди. Эътибор бериб қарасангиз, қизил бўёқда тасвирлар бор. Тошлар камар шаклида. Тагига кириб, бемалол томоша қилиш мумкин. Ёмғир, қор тегмайди. Бир оз намласангиз, тасвирлар аянам тиниқ кўринади. Ёшлгимизда расмларни шундай намлаб томоша қилардик. Аслида, бу нотўғри экан. Мутахассисларнинг айтишича, расмларга кўп сув тегаверса, ўчиб кетиши мумкин. Қарасангиз, ёмғир суви сизиб тушган айрим жойлари анча хира торган. Унинг муҳофазага олингани яхши бўлди. Фақат одамлар бунни тўғри ташутириб, асл ҳолича асраши зарур.

Қишлоқ Ҳисор тоғ тизмаларига туташ ҳудудда жойлашган. Сийпантош эса қишлоққа қиравершида, шундоққина катта йўлнинг чап томонидаги тепалиқда. Қизиқувчилар учун ноқулай бўлмаган қияликда турибди. Катта йўлдан тахминан 100-150 метр оралик масофада. Улкан Сийпантош тарихий мажмуаси бугун сайёҳлар энг кўп бораётган манзиллардан.



Мутахассисларнинг айтишича, бу ерда топилган манбалар ҳомо сапиенс (ақлли одам) пайдо бўлиши билан боғлиқ. Қоятош расмлари эса улар чизган илк рангли санъат асарлари сирасига қиради. Соҳа вақиллари фикрича, ўз вақтида ҳудудда яшаган ибтидоий давр расми Сийпантошдаги суратларни қизил туپроққа ҳайвон ёғига аралаштириб тайёрланган қизғиш ва жигарранг тусли бўёқ (охра)да чизган.

Маҳаллий аҳолининг сўзларига кўра, минг йиллар давомида кварц тошлари орасидан оқиб ўтган қор ва ёмғир суви йирик харсанглари емириб, текис, силлиқ ҳолатга келтирган. Ана шу йирик тошларда расм чизиш учун текис юза ҳосил бўлган. Натижада дастлабки ибтидоий расмом туффа шакллари, белгилар чизган. Қизғиш бўёқ тайёрлаш тажрибаси палеолит даври маданиятда кўп учрайди. Хусусан, ибтидоий одамлар ўз танасини табиат масумларига мос равишда охра билан бўяган. Бундай ҳолатда одам танасидаги ҳарорат бир хил сақланган. Қолаверса, овчилар ҳайвонларни ўз ҳиди билан чўчишиб юбормаслик, уларга янада яқинлашиш учун баданани рангларга бўягани аниқланган.



Охра рангини тайёрлаш технологияси дастлабки ранг-тасвир асарларининг яратилиши ва пайдо бўлишига олиб келган. Сийпантошдаги кўп рақли тасвирларнинг энг қадимийси одам кафти изиди. Ибтидоий давр расми қўлини охра рангига бўяб, тошга босган. Бу ердаги одам қўли тасвири аёл кишига тегишли деб тахмин қилинади. Анатомик жиҳатдан аёлларнинг бармоқлари узунроқ ва ингичка бўлиши туфайли олимлар шундай ҳулосага келган. Бундан ташқари, йирик харсанглар орасида ҳўкиз ёки қадимий туёқли ҳайвон тури тасвири жуда реалистик услубда ишланганини кўриш мумкин.

Сийпантош ёдгорлигида ой ва қуёш тақвими ҳам бор. Демак, у асрлар давомида шу манзилда яшаган ибтидоий қабиляларнинг муқаддас макони бўлган. Жумладан, тошларга чизилган 30 га яқин суратни мутахассис-олимлар турлича талқин этади. 29 та калта чизиқ ой кунлари, думалоқ шаклнинг тўрт қисмга бўлиниши ҳақида эса “йилнинг тўрт мавсуми” ёки “йил тақвими”, “Ой ва қуёш тақвими” дея фикр билдирилади. Ёдгорликдаги геометрик

тасвирлар ўша даврдаги инсон тафаккури ривожидан далолат беради.


Сийпантош ёдгорлигидаги ранг-тасвирлар турлича талқин этилишига қарамай, олимлар унинг Марказий Осиёдаги энг қадимий тасвирий асарлардан бири эканини тан олган. Жонибек Эргашевнинг таъкидлашича, соҳа вақилларининг кейинги тадқиқотлари натижасида қишлоқнинг бошқа жойларида ҳам қоятош суратлари аниқланган. Жумладан, Сийпантош мажмуасидан 400-500 метр баландликда, маҳаллий аҳоли Оқбулоқ деб номлаган чашма атрофидаги тошларда ҳам расмлар топилган. Шунингдек, тахминан 2-3 километр шимол томонда ҳам қоятошларда чизмалар борлиги қайд этилган.

Оқбулоқ яқинидаги суратлар Сийпантошдагидан фарқи равишда чўкичда ишланган. Унда, асосан, одамлар, ўқ-ёйлар, турли геометрик белгилар акс этган. Янги топилмаларнинг иккинчи тўплами йирик харсанг ичида ҳосил бўлган айвон шифтида қизил охра билан чизилган. Расмларда одам панжалари тасвирини кўриш мумкин. Қизиқ жиҳати, панжалар сурати Сийпантошдагига ўхшаш. Айтишларича,

ўрганишлар давом эттириладиган бўлса, ҳудудда яна кўпга манбалар топилиши мумкин.

Бундай тарихий синоатларнинг кашф қилиниши вилоятнинг қатор туманларида туризм йўналишлари очилишига хизмат қилади. Шу орқали жойларни ўзаро боғлаш имкони вужудга келади. Ҳозир туризм жаҳон иқтисодиётида юқори даромадли ва маданий ривожланиб бораётган соҳалардан. Шу боис, 2025 йилда Қашқадарёда сайёҳлик хизматларини янада юқори босқичга олиб чиқиш учун йирик лойиҳалар амалга оширилди. Биргина Шахрисабз туманидаги Мираки, Полмон, Улоқ маҳаллаларида туризм объектлари барпо этилди. Шунингдек, Президентимизнинг 2024 йил 5 декабрдаги “Гелон” туристик-рекреацион зонасини ва халқаро умуммавсумий курортни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра Гелон қишлоғида янги туризм маскани бўлиб этиш ҳаракати бошланган. Шу билан Қамашни туманидаги Майданак ҳудуди бугун янги қиёфага кирмоқда. Умуман, маҳаллий ва хорижий меҳмонларга муносоиб хизмат кўрсатиш учун арзирли ишлар қилинмоқда.

Акбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



GAZETA DАGI MATERIALLARNI LOTIN EZUVIGA ASSILANGAN ЎЗБЕК АЛИФОСИДА УҚИШ УЧИН МАЗКУР QR-КОДИ САКНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-246. 30829 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоסי келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Азизбек Юсупов Мусахҳиш: Акбар Қаршиев Дизайнер: Хуришд Абдуллоев

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 85-уй